

88,52
T-46

САМАРАДОРЛИКНИНГ

21 ЙЎЛИ



БРАЙАН ТРЕЙСИ


88.52	145615
7-46	Грейси, Брайан Самара, Чадликинг

Китобларни вақтида топширишварағи

88,52
T-46

БРАЙАН ТРЕЙСИ

САМАРАДОРЛИКНИНГ
21 ЙЎЛИ



ИККИНЧИ НАШР

Ушбу китоб “Asaxiy books” лойиҳаси доирасида
таржима ва чоп қилинди



Тошкент 2021

JIZZAX DPU

INV № 145615

AXBOROT RESURS MARKAZI

УЎК 159.923.2

КБК 88.52

Т-76

Трейси, Брайан.

Самарадорликнинг 21 йўли [Матн]: Б. Трейси; таржимон Х. Толибжонов, С. Мажидова, Ш. Алиқўзиев Ж. Тўлқинов. – Тошкент: NIHOL, 2021. – 92 б.

ISBN 978-9943-23-162-7

УЎК 159.923.2

КБК 88.52

“Самарадорликнинг 21 йўли” (дунё бўйлаб 1,5 миллиондан ортиқ нусхада сотилган ва 42 тилга таржима қилинган) ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юборади. Режаланган ишларнинг ҳаммасига улгурис учун бизда етарлича вақт йўқ, ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Муваффақиятли инсонлар эса ҳамма нарсани бажаришга уринмайди. Улар бор дикқатини энг муҳим вазифаларга қаратиб, уларни рисоладагидек якунлашни ўрганганди. Муаллиф Брайан Трейси вақтни самарали бошқариш учун энг муҳим асосларга эътибор қаратади: карор, интизом ва қатъиятлилик. У муҳим вазифаларни ортга суришни бас қилиб, уларни бугуноқ бажаришга ёрдам берадиган йигирма бир амалий қоидани батафсил баён қиласди.

ISBN 978-9943-23-162-7

© “Asaxiy books” МЧЖ, 2021

СЎЗБОШИ

Кўлингиздаги ушбу китобни танлаганингиз учун ташаккур. Унда ифодаланган фоялар менга ва бошқа минглаб одамларга ёрдам бергани каби сизга ҳам нафи тегиши, ҳаётингизни буткул ўзгартириб юборишига умид қиласман.

Режалаган ишларингизга етарли вақт тополмаяпсиз. Сизни шахсий мажбуриятлар, лойиҳалар, вақт ортса, ўқийман деганингиз талай журнал ва китоблар юки босиб қолган.

Бироқ сиз уларга улгурмаяпсиз. Ишларингизни тўлиқ адо этишга умид ҳам қилмаяпсиз. Кўнглингиздагидек дам олиш, китоб ва журналлар ўқишга вақт орттира олмаяпсиз.

Иш самарадорлигини ошириб, вақтни тўғри тақсимлаш мумкинлигини хаёлингиздан чикардингиз. Ишларингизни самарали йўлга қўйиш усусларини ҳар қанча ўрганманг, режалаган юмушларингиз ортиб, барибир вақт етмай қолмоқда.

Сиз томон узлуксиз оқиб келадиган масъулиятлар дарёсими жиловлаш, уларга бўлган ёндашуvingиз ҳамда улар ҳакидаги фикрлаш тарзингизни ўзгартириш орқали вақtingизни ҳанча тежашингиз мумкин. Ортиқча юмушлардан воз кечиб, ҳаётингизни чинакамига ўзгартириши мумкин бўлган кам сонли, аммо муҳим нарсаларга кўпроқ вақт ажратиш орқали ўз вазифаларингиз, ишларингизни тўғри ташкил қила оласиз.

Мен ўттиз йил вақтни тўғри тақсимлашни ўргандим. Питер Друкер, Алекс Маккензи, Аллан Лейкейн, Стивен Кови ва бошқа муаллифларнинг асарларига ўнғидим. Иш самарадорлиги ва шахсий ривожланиш ҳакида юзлаб китоблар ва минглаб мақолаларни ўқиб чиқдим. Ушбу китоб ана шумехнатим маҳсулидир.

Ҳар сафар бирор яхши фояга дуч келсан, уни ўз шахсий ҳаётим ва ишимга татбиқ қилиб кўрдим. Агар у самара беэрса, маъруза ва семинарларимга киритиб, уни бошқаларга ҳайм ўргатдим.

Галилей айтганидек, “Сиз бошқаларга улар аввалдан билмаган нарсани уқтира олмайсиз. Улар аллақачон билган нарсанигина англатишингиз мумкин, холос.”

Тажриба ва билим даражангизга қараб ушбу фоялар сизга таниш туолар, эҳтимол. Бу китоб уларни янада чукурроқ

англashingизга қўмаклашади. Ушбу услугуб ва техникаларни ўрганиб, улар одатингизга айланмагунча хаётга татбик килинг, турмуш тарзингиз аста ижобий томонга ўзгаради.

Менинг ҳикоям

Келинг, ўзим ҳакимда ва ушбу китобчанинг тарихи ҳакида сизга бироз сўзлаб берай. Ёшлигимда кизиқувчан бўлганимни ҳисобга олмаса, фазилатларим жуда оз эди. Мактабда ёмон ўкирдим, битирмасдан ташлаб кетганман. Бир неча йил оғир меҳнат килдим. Келажагим нурсиз кўринарди.

Йигитлик чогимда юк ташувчи кемада иш бошладим ва дунёни кўришга отландим. Саккиз йил саёҳат қилдим, ишладим, ва яна саёҳатга чиқдим. Беш китъадаги саксондан ортиқ мамлакатни кездим.

Жисмоний меҳнат соҳаларида иш топа олмаганимда ўзимни савдо-сотикка урдим ва ишбай ҳақ олиб, кўп эшикларни такиллатдим. Савдода атрофимга назар ташлаб, ўзимга шундай савол бермагунимча қийинчиликларга дуч келавердим: “Нима учун бошқалар мендан кўра яхшироқ натижаларга эришмоқда?”

Кейин хаётимни ўзгартириб юборган бир ишга қўл урдим. Омади чопган кишилардан уларнинг мендан кўра кўпроқ пул топаётгани ва ишлари самарадорлиги сирини сўрай бошладим. Улар ўз сирларини яширишмади. Мен улар айтгандай қилдим ва савдо-сотигим борган сари юришиб борди. Охир-оқибат шунчалик муваффақиятга эришдимки, савдо менежери даражасигача кўтарилдим. Менежер сифатида ҳам эски услубдан фойдаландим. Тажрибали менежерлардан юкори натижаларга эришиш учун нималар қилишгани ҳақида сўрадим. Улар менга ўз сирларини очганда мен яна улар айтгандек ишладим. Қисқа фурсатда уларники сингари натижага эриша бошладим.

Ўрганиш ва ўрганганимни амалиётга татбик килиш хаётимни ўзгартириб юборди. Мен бунинг канчалар оддий ғанлигидан ҳамон хайратдаман. Муваффақиятли инсонлар

й ишлашини ўрганинг ва сиз ҳам айни ўшандай натишмагунча давом этинг. Ўз касбининг усталаридан : Ана сизга ғоя!

Муваффакиятни аввалдан кўриш мумкин

Содда қилиб айтганда, баъзи одамлар кўпчилик қиладиган ишни ўзгачароқ йўсинда бажаргани учун бошқалардан кўра кўпроқ самараға эришади. Улар тўғри ишни тўғри йўсинда бажарадилар. Айниқса, муваффакиятли, баҳтли, бадавлат инсонлар ўртача одамларга қараганда вақтдан анча унумли фойдаланади.

Мен ўртаҳол оиласда улгайганман. Норасолик ва етишмовчилик хисси билан яшар эдим. Кўпроқ ишни уddaётганлар мендан кўра қобилиятлироқ, деган ишонч қопқонига тушиб қолган эдим. Кейин билдимки, бу мутлақо янгилиш тасаввур экан. Улар биз қиладиган ишларни бошқачароқ услубда бажарап экан, холос. Улар ҳам буни ўргангандан ва, табиийки, мен ҳам ўргана олдим.

Бу мен учун ажойиб кашфиёт бўлди – ҳайратда ва ҳаяжонда эдим. Ҳозир ҳам худди шу ҳолатдаман. Шуни англадимки, мен ҳам ўзим танлаган соҳада бошқалар каби ўрганишим, ўрганганимни ўз ҳаётимга татбиқ қилишим, ҳаётимни ўзгартиришим ва ўз кўзлаган мақсадимга эришишим мумкин экан.

Савдо ишини бошлаганим илк йиллардаёқ бу соҳанинг кўзга кўринган вакилларидан бирига айландим. Бир йил ўтиб менежерлик даражасига эришдим. Уч йилда олти мамлакатда 95 кишидан иборат савдо ходимлари бўлган жамоага вице-президент бўлдим. Ўша вақтда мен йигирма беш ёшда эдим.

Ўтган йилларда мен йигирма икки хил иш билан шуғулландим, кўплаб компанияларга асос солдим ва уларни ривожлантирдим, машҳур университетда бизнес бўйича даражага эга бўлдим. Француз, немис, испан тилларини ўргандим жамда мингдан ортиқ компанияларда маърузачи, мураббий, маслаҳатчи бўлиб ишладим. Ҳозир йилига 250 мингдан ортиқ кишига семинар ва маъruzalar ўтияпман. Уларнинг айримларида қарийб 20 минг тингловчи иштирок этади.

Оддий ҳақиқат

Фаолиятим давомида бир оддий ҳақиқатга қайта ва қайта амин бўлдим: энг муҳим машғулотингга бор эътиборингни қарат олиш ва уни иштиёқ билан бажариб, охирига

етказиш катта муваффакият, ютуқ, хурмат, қадр ва баҳтнинг калити экан. Ушбу ҳақиқат китобнинг бош ғоясидир.

Китоб карьерангизда қандай илдамлашни ўргатиш билан бир вақтда, шахсий ҳаётингизни мазмунан бойитиш усулларини кўрсатиш учун ҳам ёзилди. Унинг саҳифаларида шахсий самарадорликка эришишнинг ўзим кашф қилган йигирма бир энг кучли тамойили ифодаланган.

Ушбу метод, техника ва стратегиялар амалиётга татбиқ қилишга қулай, синовдан ўтган, тез таъсир килувчи ёндашувлардир. Ишни кейинга сурин ва вақтни тўғри тақсимлай олмасликнинг турли психологик ва ҳиссий омилларига тўхталиб ўтирамайман. Тадқикот ёки назария ичига чукур кирмайман. Ўрганадиган нарсангиз тез натижага берадиган, оила аъзоларингиз билан баҳтингизни мустаҳкамлайдиган муайян қоидалардир.

Бу китобдаги ҳар бир ғоя сизнинг маҳоратингиз ҳамда иш унумингизни ўстиришга, ҳар бир ишингизда қадр-қимматингизни оширишга хизмат қиласи. Бу ғояларнинг аксарини нафақат касбий фаолиятингизда, балки шахсий ҳаётингизда ҳам кўллашингиз мумкин.

Йигирма бир усул ва техниканинг ҳар бири бошқасидан мустакил, бир бутундир. Уларнинг ҳаммаси бирдек зарур. Бир стратегия маълум бир ҳолатда самараали бўлса, бошқасини бошқа бир юмушда кўллаш мумкин. Ҳаммаси жам бўлиб ушбу йигирма бир ғоя шахсий самарадорлик усулларини ташкил этади. Сиз улардан исталган пайт, ўзингизга қулай тартибда фойдаланишингиз мумкин.

Муваффакият калити ҳаракатдадир. Ушбу тамойиллар иш жараёни ва унинг самарасини тез ва башорат қиласа бўладиган даражада яхшилайди. Уларни қанчалик тез ўрганиб, амал қилсангиз, карьерангиз шунчалик тез олға силжийди. Бу кафолатланган!

Қандай қилиб “қурбақани паққос тушириш”ни ўрганганингиздан сўнг эришишингиз мумкин бўлган нарсаларнинг поёни бўлмай қолади.

Брайан Трейси

КИРИШ

Хозир айни фурсати. Мақсадларингизга эришиш учун бугунгидек имкониятлар бўлмаган. Сиз аслида имкониятлар ичида сузиг юрибсиз. Балки, бундай фурсат инсоният тарихининг хеч бир палласида кузатилмагандир. Дангал айтганда, қилишингиз мумкин бўлган яхши ишлар шунчалик кўпки, улардан қай бирини танлашингиз ҳаётда эриша жак ютуқларингиз омили бўлиши мумкин.

Агар бугунги аксарият одамларга ўхшаб йўл тутсангиз, ишининг кўплиги, вақтингиз озлиги сабабли ташвишга кўмилib қоласиз. Буларнинг ҳаммасига улгуришга уринганингиз сари янги мажбурият ва юмушлар денгиз тўлкини каби шитоб босиб келаверади. Шу боис режалаган ишларингизнинг ҳаммасини бажара олмайсиз. Уларни ҳаммасига улгуриш имкони бўлмайди. Юмуш ва мажбуриятларингизнинг баъзилари, эҳтимол кўпчилиги, бажарилмай қолиб кетаверади.

Тўғри танловга эҳтиёж

Бугунги кунда муҳим ишни номуҳимдан ажратади олиш, уни тез ва сифатли бажара олиш бошқа кўнкималарга қаранганди муваффақиятингизда кўпроқ аскатиши мумкин.

Аниқ устувор мақсадларни кўя билган ва энг муҳим ишларни вақтида охирига етказа оладиган одам сўзамол, ажойиб режалар тузадиган, лекин жуда оз ишга улгурадиган аклли одамдан кўра кўргонига эришади.

Курбақалар ҳақидаги ҳақиқат

Марк Твен айтган эди: “Тонгда уйқудан туриб илк қила диган ишининг тирик қурбақани тановул қилиш бўлса, буни ўша кунни кун давомида содир бўлиши мумкин бўлган энг ёмон вазият эканлигидан мамнун бўлиб ўтказишинг мумкин.”

“Курбақангиз” сизнинг энг оғир, энг муҳим юмушингиз ҳисобланади. Агар бирор чорасини кўрмасангиз, уни кейинга қолдириш эҳтимолингиз жуда юқори. Ана шу вазифа ҳаётингиз ва ютуқларингизга энг катта ижобий таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир.

Курбақани тановул қилишнинг биринчи қоидаси: “Агар

бир вақтда икки қурбақаны паққос туширишга түғри келиб қолса, биринчи бўлиб энг хунугидан бошланг.”

Бошқача килиб айтганда, агар олдингизда икки муҳим вазифа турган бўлса, энг оғир, қийин ва энг муҳимини биринчи бўлиб бажаринг. Ишни дарҳол бошлашга ва бошқа ишга кўчишдан аввал уни охирига етказиб қўйишга ўзингизни одатлантиринг.

Буни бир синов тариқасида қабул қилинг. Аввал осон ишни қилишга бўлган иштиёқингизни жиловланг. Агар барча юмушларингизни якунига етказмоқчи бўлсангиз, қайси ишни зудлик билан бажариш ва қай бирини кейинга колдириш ҳақидаги танловингиз кунлик қабул қиласиган энг муҳим қарорларингиздан бири эканини ёдда тутинг.

Қурбақани тановул қилишнинг иккинчи қоидаси: “Агар тирик қурбақани паққос туширишга бел боғлаган бўлсангиз, ўтириб, унга узоқ термилиб туришдан наф йўқ.”

Самарадорликнинг юкори даражасига эришишда асосий калит – ҳар тонгда энг асосий ишларингизни аниқлаб олишни одат тусига айлантириш. Бошқа ишга ўтишдан аввал кўп ўйламасдан “қурбақангизни паққос туширадиган” кун тартибини тузиб олишингиз керак.

Дарҳол ишга киришинг

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп маош оладиган ва тез ўсадиган эркак ва аёллар ҳар бир ишида “ҳаракатчанлик” хусусияти билан ажralиб туради. Муваффакиятли ва самарадор кишилар дарҳол асосий ишга киришиб, уни тугатмагунча чалғимайди, бир текисда ишлайди.

Бизнинг дунёмизда, айниқса, бизнес оламида тайинли натижа кўрсатсангиз, ҳақ тўлашади ва юқорига кўтариласиз. Кўшган қимматли ҳиссангиз учун, айниқса, сиздан кутилган энг муҳим вазифани бажарганингиз учун ҳақ оласиз.

“Ижродаги муваффакиятсизлик” кўплаб ташкилотлардаги энг долзарб бошоғриклардан бири саналади. Кўпчилик ишлаш билан ижро этишни чалкаштиради. Улар доимий учрашувлар ўтказишади, мулоқот қилишади, пухта режалар тузишади, аммо иш сўнгида ҳеч ким уни ижро этишни зиммасига олмайди. Оқибатда керакли натижага эришилмайди.

Муваффакиятга етакловчи кўникмаларни шакллантиринг

Ҳаётдаги муваффакиятингиз вакт ўтгани сари шакллантирадиган кўникмаларингизга боғлиқ. Мухим мақсадларни кўя олиш, уларни кечиқтирмаслик ва энг муҳим вазифангизни бажаришга одатланиш ҳам аклий, ҳам жисмоний маҳоратдир. Шундай экан, ушбу кўникмани ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун у онгостингизга жойлашиб, хулқ-атворингизнинг ажралмас бўлагига айлангунча қайта ва қайта машқ қилиш даркор. Агар у одатта айланса, беихтиёр амалга ошаверади.

Ишни муҳимидан бошлиш ва уни чала қолдирмаслик тез, доимий натижа берувчи омилдир. Сиз аклий ва ҳиссий жиҳатдан шундай тузилгансизки, ишни якунлаш сизга ёқимили ҳиссиёт беради. У сизни хурсанд қиласди. Ўзингизни ғолиблардай хис қилишингизни таъминлайди.

Аҳамияти ва катта-кичиклигидан қатъи назар, бирор бир вазифани бажарган пайт сизда куч-ғайрат, иштиёқ ва ўзингизга нисбатан ҳурмат ҳисси пайдо бўлади. Тугалланган вазифа қанчалик муҳим бўлса, ўзингизни шунчалик баҳтли ва бардам ҳис этасиз. Ўзингизга нисбатан ишончингиз ортади.

Муҳим ишларни якунига етказиш миянгизда эндорфинлар ишлаб чиқариш жараёнини кўзгатади. Ушбу эндорфинлар кайфиятингизда табиий “сармастлик”ни пайдо қиласди. Ҳар кандай вазифани муваффакиятли бажарганингиздан сўнг содир бўлувчи эндорфин ажралиш жараёни сизни янада ижобий, ишchan ва ўзига ишонган одамга айлантиради.

Ижобий майлларни шакллантиринг

Мана муваффакиятнинг яна бир энг муҳим сирларидан бири. Сиз эндорфинларга ва улар қўзгатадиган ўзингизга ишонч ва маҳоратга бўлган “ижобий майл”ни шакллантира оласиз. Ушбу “майл”ни шакллантирганингизда беихтиёр ҳаётингизни шундай тартибга солишни бошлайсизки, муҳимроқ вазифалар ва лойиҳаларни йўлга қўйиб, уларни охирига етказишга ўрганасиз. Сиз аслида муваффакиятга ижобий маънода мубтало бўласиз.

Муҳим ишларга бел боғлаб, уларни якунига етказишга

одатланиш – мазмунли ҳаёт кечириш, юксак мартабага эришиш ва ўзингизни яхши хис қилиш қалити. Ўша паллада бу одат ҳулқингизнинг узвий бўлагига айланади, сиз учун муҳим вазифаларни бажармасликдан кўра бажариш осонроқ бўлиб қолади.

Енгилга ўрин йўқ

Нью-Йорк кўчаларидан бирида мусиқачини тўхтатиб, Карнеги Холл қаердалигини сўраган киши ҳақидаги ҳикояни эсланг. Мусиқачи шундай жавоб қайтарган эди: “Машқ қил, оғайнни, машқ.”

Машқ қилиш ҳар қандай маҳоратни маромига етказиш қалитидир. Зеро, онгингиз ҳам мисоли мушак. Фойдаланган сари мустаҳкамланиб, такомиллашиб бораверади. Машқ қилиш орқали керакли ҳар қандай кўнимкани ривожлантиришингиз ёки исталган ҳулқ-атворни касб этишингиз мумкин.

Янги кўнимкани шакллантиришда керакли уч хусусият

Диққат ва фикрни жамлаш кўниммасини такомиллаштириш учун уч асосий хусусиятга эга бўлишингиз керак. Уларнинг барчасини ўрганиш мумкин. Улар: қарор, интизом ва катъиятдир.

Аввало, ишни ниҳоясига етказишга **қарор қилинг** ва буни одатга айлантиринг. Иккинчидан, ўрганмоқчи бўлган тамоилларингиз одат тусиға кирмагунча уларни машқ қилиш **интизомини** шакллантиринг.

Учинчидан, бу одат шахсиятингизнинг ажралмас қисмига айлангунча **катъиятли** бўлинг.

Қандай бўлишни хоҳласангиз, ўзингизни шундай тасаввур қилинг

Ўзингиз хоҳлагандай самарали ва муваффақиятли инсонга айланишни тезлаштирадиган маҳсус услугуб мавжуд. Бу ишchan, тезкор ва диққатли инсон бўлишнинг фойда ҳамда устунликлари ҳақида тинимсиз ўйлашдан иборат. Ўзингизни муҳим вазифаларни доимий, тез ва самарали бажарадиган одам деб ҳисобланг.

Ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурингиз хулқ-авторингизга катта таъсир кўрсатади. Келажакда ким бўлишни хохласангиз, ўзингизни шундай тасаввур қилинг. Ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурингиз кўп жиҳатдан ташки оламдаги харакатларингизни белгилаб беради. Ташки ҳаётингиздаги барча ўзгаришлар руҳий оламингиздаги ички тасвирнинг яхшиланишидан бошланади.

Янги кўнишка, одат ҳамда қобилиятни эгаллаш ва ривожлантириш учун сизда деярли чексиз имконият мавжуд. Такрорлаш ва машқ оркали ўзингизни тарбияласангиз, юмушларингизни ортга суришни бартараф этсангиз, ҳаётингиз ва каръерангизда тезкор қадамлар билан илдамлай бошлайсиз.

Ушбу курбакани паққос туширинг!

1-БОБ**Иш тартибингизни тузинг**

Галабага эришиши учун керак бўлган фазилат мақсаднинг аниқлиги, нимани истаётганингизни билиш ва унга эришиши йўлида событқадамликдир.

Наполеон Хилл

Ўз “курбақангизни” билиш ва уни пақкос туширишдан аввал сиз ҳаётингизнинг ҳар бир жабҳасида нимага эришишини хоҳлаётганингизни аниқлаб олмоғингиз лозим. Аниқлик шахсий самарадорликдаги энг муҳим тушунчадир, эҳтимол. Баъзи одамларнинг кўп нарсага улгуришининг биринчи сабаби уларнинг қатъий мақсад ва режаси борлиги ва ўша мақсаддан чалғимаслигидир.

Хоҳлаётган нарсангизни кўлга киритиш учун қанчалик дадил қадам ташласангиз, ишингизни ортга сурмасангиз, ўз “курбақангизни” пақкос тушириш ва режаланган ишни амалга ошириш шунчалик осон бўлади.

Ишни ортга суриш ва иштиёқнинг сустлигига асосий сабаб мужмаллик, чалкашлик ва нима қилмоқчилигингиз, уни қай тартибда ва нима учун қилмоқчилигингиз ҳақида аниқ фикрга эга бўлмаслиkdir. Бор кучингиз билан бу каби ҳолатлар олдини олишингиз лозим. Муҳим мақсад ва вазифаларингиз йўлида имкон қадар ишонч билан ҳаракат қилишингиз керак.

Муваффакият учун зарур қоида шундай: “Фикрларингизни қоғозга туширинг”

Атиги 3 фоиз кишиларгина аниқ режа тузиб, уни қоғозга туширади. Бошқалар улар қатори ёки улардан билимлироқ ва қобилиятлироқ бўлиши мумкин, бироқ нимани исташларини қайд этиш учун вакт ажратмайдилар. Натижада улар беш, ҳатто ўн баробар камроқ ишга улгурадилар.

Кўйган мақсадингизга эришиш учун ҳаётингизнинг қолган қисмида кўллашингиз мумкин бўлган кучли формула мавжуд. У етти босқичдан иборат. Агар сиз айни пайтда уларга амал қилмаётган бўлсангиз, бу босқичларнинг исталган бири иш самарадорлигингизни икки ёки уч баробар ўстириши мумкин. Тингловчиларимнинг кўпчилиги бир неча йил

ва ҳатто бир неча ой ичида ушбу етти босқичдан иборат усул ёрдамида даромадларини сезиларли даражада оширишди.

Биринчи қадам: Нимани хоҳлашингизни аниклаб олинг.

Бунга ўзингиз ойдинлик киритинг ёки сиздан нима кутилаётгани ва бу йўлдаги устувор мақсадлар тартиби аник-равшан белгиланмагунча раҳбарингиз билан муҳокама қилинг. Қанчадан-қанча инсонлар ҳар куни тер тўкиб, аҳамиятсиз вазифалар учун вакт сарфлаётгани ачинарлидир. Чунки улар раҳбарлари билан бу муҳим масалани муҳокама қилмагандар.

Конда: “Кераксиз инни қойилмақом даражада бажариш вактини исероф қилишидир.”

Стивен Кови шундай дейди: “Муваффакият нарвонига чиқишдан олдин у тўғри бинога тиralганига ишонч ҳосил қилинг”

Иккинчи қадам: Ёзib боринг.

Фикрларингизни көгозга туширинг. Максадингизни қайд этганингизда сиз уни мустаҳкамлайсиз ва унга аниқ шакл берасиз. Шу билан хис қилиш ва кўриш мумкин бўлган маълум бир нарса яратасиз. Таъбир жоиз бўлса, ёзib қўйилмаган режа ёки мақсад орзу ёки ҳавас, холос. У хеч қандай кучга эга эмас. Қайд этилмаган мақсадлар чалкашлик, но-аниклик, адашиш ва яна талай хатоларга сабаб бўлади.

Учинчи қадам: Мақсадингизга муддат белгиланг. Лозим бўлса, уни қисмларга ажратиб ҳар бирига алоҳида муддат қўйиб чикинг.

Муддат қўйилмаган мақсад ёки карор ижроси ортга сурорлади. Унинг асл ибтидоси ва интихоси мавжуд эмас. Таинланган вазифа, уни ниҳоясига етказиш масъулияти ва аниқ муддат бўлмаса, табиийки, сиз ишни оркага сураверасиз ва амалда жуда оз самарага эришасиз.

Тўртинчи қадам: Мақсадингизга етиш учун бажаришингиз лозим бўлган ишлар рўйхатини тузинг.

Янги машғулотлар ҳақида ўйласангиз, уларни рўйхатингизга қўшинг. Рўйхат тўлик бўлмагунча, уни такомиллаштиришда давом этинг. Бу рўйхат сизга каттароқ вазифа ёки

режанинг тиник тасвирини кўрсатади. У қадам ташлашда давом этиш учун йўлак вазифасини бажаради. Сиз ниятингизни аниклаштирганингиз ва режадагидек кетаётганингиз боис бу йўл мақсадга эришиш эҳтимолини оширади

Бешинчи қадам: Рўйхатни режага айлантиринг.

Тузган жадвалингизни муҳимлик даражаси бўйича кетма-кетлиқда тартибга солинг. Аввал нимани ва кейинроқ нима қилишни аниқлаб олиш учун бир муддат ўйлаб кўринг. Аввал қайси вазифа бажарилиши, ундан сўнг нима қилишни режаланг. Ўз режангизни қоғозга кўринарли қилиб бир гурӯҳ тўртбурчак ва айланалар ҳамда ҳар бир режанинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатувчи чизиқ ва стрелкаларни чизган ҳолда акс эттирангиз, ундан-да аълороқ бўлади. Мақсадингизни алоҳида қисмларга бўлиб чиққанингизда унга эришиш қанчалар осон эканини кўриб ўзингиз ҳам лол қоласиз.

Қоғозга муҳрланган мақсад ва ҳаракатларингизнинг тартибли режаси орқали сиз ўз фикрларини хаёлида олиб юрганлардан кўра анча самаралирок ва унумлироқ ишлайсиз.

Олтинчи қадам: Режангизни бажаришга дарҳол киришинг.

Нима биландир ишни бошланг. Исталган нарса. Гайрат билан бажарилган ўртача режа умуман бажарилмаган зўр режадан анча фойдалирок. Амалий ҳаракат сиз учун мақсадга етишиш йўлидаги энг асосий омил бўлади.

Еттинчи қадам: Ҳар куни асосий мақсадингизга яқинлаштирадиган нимадир қилишга аҳд қилинг.

Буни кун тартибингизга киритинг. Сиз маълум мавзуда белгиланган микдорда бир неча сахифа мутолаа қилингиз, бир нечта керакли манзил ёки харидорникига боришингиз, маълум муддат жисмоний машқ билан шуғулланингиз ёки чет тилида бир қанча сўзни ёд олишингиз мумкин. Нима қилингиздан қатъи назар, кунни беҳуда ўтказмаслигингиз шарт. Олдинга силжишда давом этинг. Ҳаракатни бошлаган экансиз, олға юришда давом этинг. Тўхтаб қолманг. Бу қарор ва тартибинг ўзи мақсадга эришишни тезлаштиради, шахсий самарадорлигингизни сезиларли даражада яхшилайди.


Ёзилган мақсадлар кучи

Аниқ ёзиб қўйилган мақсадлар сизнинг фикрлашингизга кучли таъсир кўрсатади. Улар сизни рухлантиради ва ишга киришишга ундаиди. Сизда яратувчанлик ҳиссини уйғотади, кувватингизга эрк беради ва бошқа омиллар сингари ишни ортга суришни бартараф этишингизда кўмаклашади.

Максадлар муваффакият учун ёкилги демакдир. Улар нақадар улкан ва равшан бўлса, уларга етишишдан шу қадар завқланасиз. Максадлар ҳакида қанчалик кўп ўйласангиз, уларни амалга ошириш йўлида сиздаги хоҳиш ва ички туртки шунчалик қудратли бўлади.

Максадларингиз ҳакида мuloҳаза килинг ва ҳар куни уларни қайта кўриб чиқинг. Ҳар тонгни қарши олганингизда айни пайдаги энг зарур мақсадингизга яқинлаштирадиган муҳим вазифа устида ишлашга бел боғланг.

Унбу қурбақани паққос туширинг!



1. Ҳозироқ бир варак тоза қофоз олинг ва келгуси йил учун ўнта мақсадингиз рўйхатини тузинг. Худди бир йил ўтиб кетгандек ва бу мақсадлар амалга ошгандек ёзинг. Улар шу заҳотиёқ шуурингиздан жой олиши учун ҳозирги замон феълидан, ижобий ва ўзингизга алокадор вазиятлардан фойдаланинг. Масалан, шундай ёзишингиз мумкин: “Мен ҳар йили x (шунча) доллар миқдорида пул ишлаб то-паман” ёки “Менинг оғирлигим x (шунча) килограмм” ёки “Мен шундай машинада юраман”

2. Рўйхатингизни яна бир бор кўздан кечиринг ва шундай мақсадни танлангки, агар унга эришсангиз, бу ҳаётингизга жуда катта ижобий таъсир кўрсата олсин. У қандай мақсад бўлишидан қатъи назар алоҳида қофозга ёзинг, унга муддат белгиланг, режа тузинг, режа бўйича ишланг ва ҳар куни сизни мақсадингиз томон яқинлаштирадиган нимадир амалга оширинг. Шу машқнинг ўзи ҳам ҳаётингизни ўзгартиришга кодир!

2-БОБ**Хар кунни аввалдан режаланг**

Келажакни режалаша уни ҳозирга күчириши демак. Зеро, ҳозирнинг ўзида уни ўзгартириши мумкин.

Алан Лакеин

Эски бир саволни эшитган бўлсангиз керак: “Филни қандай килиб еб битириш мумкин?”

Жавоб: “Навбатма-навбат бир тишламдан.”

Самарадорлигингишни ошириш ва вазифаларни ортга сурмаслик учун энг кучли восита – сизнинг фикрлаш, режалаштириш ва қарор қабул қилиш қобилияtingиз, сизнинг онгингиз. Мақсадларингизни белгилаш, режалар тузиш ва уларга амал қилиш қобилияtingиз сизнинг ҳаёт тарзингизни белгилайди. Айнан фикрлаш ва режалаштириш қобилияти сизнинг руҳий кувватингизни қўзғатиб юборади. У яратувчаник қобилияtingизни уйғотиб, руҳий ва жисмоний кувватингизни оширади.

Алекс Маккензи ёзганидек: “Режасиз харакат барча муваффақиятсизликнинг сабабидир.”

Ишга киришишдан аввал яхши режалар тузалишингиш сизнинг умумий маҳоратингиз ўлчовидир. Режангиз қанчалик пухта бўлса, ортга суришни бартараф қилиш, ишга киришиш ва “қурбакангизни” пакъос тушириб, яна давом этиш шунчалик осон бўлади.

**Сарфлаган энергиянгиздан
оладиган улушингизни кўпайтиринг**

Ишдаги энг катта мақсадларингиздан бири сарфлаган ақлий, хиссий ва жисмоний энергиянгизга яраша имкон қадар кўпроқ натижага эришиш бўлиши даркор. Сиз учун хушхабар шуки, режалашга кетган хар бир дақиқангиз кейинчалик сарфлайдиган ўн дақиқа вақтингизни асраб қолади. Кунингизни режалаш ўн дақиқадан йигирма дақиқагача вақт олиши мумкин, аммо у кун давомида сарфлайдиган вақтингиздан икки соатини тежаб қолади.

Ушбу формула ҳақида эшитган бўлсангиз керак: “Олдиндан тўғри режалаш ижро сустлиги олдини олади.”

Олдиндан режалаш иш унуми ва самарадорлигини оширишда қанчалик фойдали эканлигини англаб етганингизда, нима учун кўпчилик шундай қилмаслигидан хайратга тушасиз. Режалаш мураккаб иш эмас. Бунинг учун қофоз ва қалам бўлса кифоя. Вақтни режалаштирувчи энг мукаммал компьютер дастурларидан бири “Палм Пилот” ҳам худди шундай тамойилга асосланган. Унинг асоси ишга киришишдан аввал бажарилиши лозим бўлган ишлар рўйхатини тузишдан иборат.

Кунига қўшимча икки соат

Рўйхат бўйича доим ишланг. Агар бирор янги ғоя пайдо бўлса, бажаришдан аввал уни рўйхатга қўшиб қўйинг. Рўйхатдан офицмай ишлашни бошлаган биринчи кундан самарадорлигиниз ва натижаларингизни 25 фоиз, хатто ундан кўпроқ, тахминан, икки соатгача оширишингиз мумкин.

Рўйхатни бир кун аввал, иш кунининг охирида тузиб қўйинг. Аввалги рўйхатдаги бажарилмай қолган ишларни кўчириб ўтказинг. Сўнг эртанги кун учун режаланган ишларингизни қўшиб чиқинг. Агар бажарадиган ишларингиз рўйхатини бир кун аввал тузиб чиқсангиз, уйқунгизда ҳам онгостингиз туни билан ўша нарсалар устида ишлайди. Кўп ҳолларда аввал ўйлаганингиздан кўра яхшироқ ғоялар билан уйғонасиз. Улар ишни янада тезроқ якунига етказишга туртки бўлади.

Бажаришингиз керак бўлган ишлар рўйхатини тузишга канча кўп вақт сарфласангиз, шунчалик меҳнатингиз унумдор бўлиб боради.

Турли мақсадлар учун турли рўйхатлар

Турли мақсадлар учун сизга керакли ҳар хил рўйхатлар мавжуд. Аввал сиз **асосий рўйхатни** тузиб ошишингиз керак. Унда келгусида, қачондир амалга оширмоқчи бўлган ишларингиз ёзив қўйилиши керак. Бу сиз ўйлаган ҳар бир ғоя ва ҳар бир янги вазифа ёки мажбуриятлар ифодаланадиган жой. Уларни зарурат туғилганда кейинчалик ҳам тартибга солиб чиқишингиз мумкин.

Сўнг ҳар ой охирида келаси ой бажаражак ишларингизнинг **ойлик рўйхатини** тузиб чиқишингиз керак. Бу рўйхат

JIZZAX DPO	
INV № 145615	
AXBOROT RESURS MARKAZI	

асосий рўйхатдан олинган бандларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ундан сўнг **бутун ҳафта учун рўйхатни тузишингиз** керак. Айни ҳафтадаги иш жараёнида кейинги ҳафта учун рўйхат тузилаётган бўлиши зарур.

Вақтни шу тарзда мунтазам режалаш сиз учун жуда фойдали бўлиши мумкин. Ҳар ҳафта сўнгида бир-икки соат ажратиб, келаси ҳафта режасини тузиш иш самарадорлиги ни тубдан ошириши ва турмушни бутунлай ўзгартириб юборишини менга кўпчилик таъкидлаган. Бу услуг сизга ҳам аскатади деб ўйлайман.

Ва ниҳоят, ойлик ва ҳафталик рўйхатингиздаги бандларни **кунлик рўйхатингизга** кўчирасиз. Улар ўша кунда амалга оширмоқчи бўлган муайян вазифаларингиз саналади.

Кунлик иш давомида охирига етказган вазифангизни белгилаб боринг. Бу сизга бажарган ишларингизни умумий холатда кўрсатиб туради. У сизда муваффакият ва олдинга интилишга рағбат пайдо қиласди. Рўйхатда белгиланган вазифаларингиз бажарилаётганини кўриш сизни руҳлантиради ва сизга куч багишлади. У ўзингизга бераётган баҳойингиз ҳамда хурматингизни оширади. Барқарор, сезиларли ўсиб бориш олға силжишингизга ва ортга суришни бартараф этишингизга ёрдам беради.

Лойиха тузиш

Агар сизда тайинли бир лойиха бўлса, уни тўқис якунинга етказиш учун унда кўзда тутилган барча босқичлар рўйхатини тузиб чиқинг. Лойиҳада белгиланган вазифаларни мухимлигига кўра кетма-кетликда ёзинг. Уни қофоз ёки компьютер экранидаги шундай жойлаштирингки, ҳар бир босқич ёки вазифа аниқ кўриниб турсин. Сўнг вазифаларни битталаб бажаришга киришинг. Шу услуг билан талайгина ишни уddaлаганингизни кўриб ҳайратда қоласиз.

Рўйхат бўйича ишлаганингиз сари ўзингизни янада маҳсулдор ва тетик ҳис қиласиз. Ҳаётингиз тизгинини кўлга оласиз. Бу сизни табиий равишда янада кўпроқ ишларни бажаришга унрайди. Сиз ишга янада яхшироқ ва ижодий ён-


даша бошлайсиз. Шу билан бирга, тезроқ ишлашга имкон берувчи тушунчани чуқурроқ англаб етасиз.

Рўйхатдан оғишмай ишласангиз, сусткашликни бартараф этишга қодир ижобий интилиш хиссини шакллантирасиз. Бу хиссиёт сизга куч баҳш этади ва кун давомида суръатни бўшаштирмасликка ёрдам беради.

Шахсий самарадорликнинг энг қимматли қоидаларидан бири **10/90 тамойилидир**. Қоидага биноан, агар бирор ишга кўл уришдан олдин режа тузиш ва лойиҳалашга 10 фоиз вакт сарфласангиз, бу бошланган ишни ниҳоясига етказишда 90 фоиз роль ўйнайди. Буни исботлаш учун мазкур қоидага амал қилишининг ўзи кифоя.

Ҳар бир кунни олдиндан режаласангиз, вазифани бошлаш ва давом эттириш анча осон туюлади. Ишлар ҳар қачонгидан кўра тез ва силлиқ кечади. Ўзингизни янада кучли ва билимли ҳис киласиз. Ишни кутганингиздан анча тезроқ амалга оширасиз. Натижада, сизни тўхтатишнинг иложи бўлмай қолади.

Унбу қурбақани паккос туширинг!



1. Ҳар бир кун, хафта ва ойни режа асосида бошланг. Дафтарча ёки бир варак қофоз олиб, кейинги йигирма соат ичида бажаришингиз зарур бўлган барча ишлар рўйхатни тузинг. Янги фикрлар хаёлингизга келиши билан уларни рўйхатга тирканг. Барча лойиҳаларингиз, муҳим бўлган кенг кўламли вазифаларингиз рўйхатини тузиб чикинг.

2. Асосий мақсадларингиз, лойиҳаларингиз ва вазифаларингизни муҳимлик даражасига кўра саралаб чикинг. Қай бирини аввал, қай бирини кейин бажаришни уларнинг муҳимлигига караб кетма-кетлик бўйича тартибланг. Ишга киришгандা хаёлингизда ишнинг якуни бўлсин, лекин амалда уни бошидан бажаринг.

Фикрларингизни қоғозга туширинг. Доим рўйхат бўйича ишланг. Шунда анчайин маҳсулдор инсонга айланганингиздан ва курбақани паккос тушириш қанчалик осон эканлигидан лол қоласиз.

3-БОБ**80/20 қоидасини күлланг.**

Агар биз ундан түгри фойдалана олсак, бизда ҳамиша етарлича вақт топилади

Волфганг Фон Гёте

Хаёт ва вақт бошқаруви тамойиллари ичидаги фойдалиси **80/20 қоидасидир**. Ушбу қоидани унинг асосчиси шарафига Парето тамойили деб ҳам аташади. Алфредо Парето итальян иқтисодчиси бўлиб, бу тамойилни илк бор 1895 йилда тилга олган. Парето жамиятда инсонлар табиий равишда гурухларга бўлиншишига эътибор берган. У таъсир доираси ва молиявий холати юкори бўлган 20 фоиз кишига “муҳим кам сонлилар” деб, қуйи табақадагиларга эса “аҳамиятсиз кўпчилик” дей ном берган. Парето кейинчалик шуни англаб етдики, деярли барча иқтисодий жараёнлар ҳам шу тамойил бўйича ишларди.

Масалан, ушбу қоидага кўра ҳаракатларингизнинг 20 фоизи 80 фоиз натижани беради. Савдо-сотигингизнинг 80 фоизи 20 фоиз харидорларингизга боғлиқ. Даромадингизнинг 80 фоизи 20 фоиз маҳсулотингиз ёки хизматларингиздан келади. 80 фоиз вазифангиз 20 фоиз миқдорида бажараётган ишингизнинг қийматига боғлиқ ва ҳоказо.

Демак, агар рўйхатингизда бажариладиган ўнта вазифа бўлса, улардан иккитаси қолган саккизтасининг қийматига тенг ёки ундан-да қимматлироқ бўлади.

**Вазифалар миқдори муҳимми
ёки уларнинг аҳамияти?**

Қизиқ бир қашфиётни эътиборингизга ҳавола этаман. Бу вазифаларнинг ҳар бирини бажариш учун бир хил миқдорда вақт сарфланади. Аммо улардан факат бир ёки иккитаси қолган барчасига қараганда беш, ҳатто ўн баробар кўпроқ фойда келтиради.

Кўпинча рўйхатдаги ўнта вазифа ичидан биттасининг қолган тўқизтасидан қиймати баландроқ бўлади. Айнан шу вазифа сиз биринчи бўлиб пакқос туширишингиз лозим бўлган курбака ҳисобланади.

Одатда, қайси вазифаларни бажаришда сусткашлик қи-

линишини тахмин килиб кўринг-чи? Ачинарлиси шундаки, кўпчилик энг асосий ўнталикни ёки 20 фоизни яъни “муҳим кам сонлилар”ни кейинга қолдиради. Бунинг ўрнига улар ўзларини аҳамияти оз 80 фоиз вазифалар билан банд килиб кўйишида ва бу вазифалар натижага жуда кичик ҳисса қўшади.

Муҳим эътибор ҳаракатга берилиши керакми ёки натижага?

Сиз куни бўйи ишлаб, амалда жуда оз натижага кўрсатадиган кишиларга кўп дуч келасиз. Деярли ҳамиша шундай бўлади. Чунки улар қиймати паст ишлар билан машғул. Баъзан шундай сусткашлик қилишадики, агар белгиланган вазифани тезроқ ва сифатли амалга оширсалар эди, бу уларнинг компаниялари ёки карьеeralари учун катта аҳамият касб этган бўларди.

Сиз ҳар куни бажаришингиз мумкин бўлган энг қимматли вазифалар, одатда, энг оғир ва мураккабларидир. Лекин бу вазифалар унумли бажарилса, катта фойда ва ютукларга эришиш мумкин. Шу боис юқоридаги 20 фоиз вазифаларингиз сизни кутаётган бир паллада сиз куйи поғонадаги 80 фоиз ишлардан қатъий бош тортишингиз даркор.

Ишга киришишдан аввал ўзингизга савол беринг: “Бу вазифа мен учун юкори аҳамиятли 20 фоиз вазифалардан бирими ёки куйи поғонадаги 80 фоизга тегишлими?”

Қоида: “Ишни майда вазифалардан бошлаш одатини йўқотинг.”

Ёдда сақланг! Қандай йўл тутманг, такрорланувчи ишлар охир-оқибат қутулиб бўлмас одатга айланади. Модомики, сиз кунни аҳамиятсиз ишлар билан бошлар экансиз, тез орада шундай ишлаш одат тусига киради. Бу сиз ўрганмоқчи ёки ўзингизда шакллантироқчи бўлган одат эмас.

Ҳар бир муҳим ишнинг энг оғир қисми, аввало, унинг бошланишидир. Арзирли ишга бел боғладингизми, бу нарса сизни уни давом эттиришга ундейди. Онгингизнинг муайян қисми ҳақиқатан ҳам аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа билан шуғулланишини ёқтиради. Сизнинг вазифангиз эса уни узлуксиз озиқлантириб туришдан иборат.

Ўзингизни рухлантиринг

Бирор мухим ишни бошлаш ва уни нихоясига етказиши хақида ўйлашнинг ўзи сизни рухлантиради ва сусткашлини бартараф этишга ёрдам беради. Аслида, фойдали ишни ҳам, беҳуда ишни ҳам амалга ошириш учун деярли бир хил вақт сарфлайсиз. Фарки шундаки, чиндан-да мухим ва зарур вазифани адo этганингизда ўзингиздан фаҳрланиш ва қоникиш ҳиссини туясиз. Худди шунча вақт ва куч сарфлаб, арзимас вазифани бажарганингизда эса, аксинча, ўзингиздан қоникиш ҳисса жуда паст ёки умуман бўлмайди.

Вақтингизни назорат қилиш ҳаётингизни ва ўзингизни бошқариш демакдир. Бу воқелик устидан хукмронлик қилишdir. Вақтни назорат қилиш кейинги бажаражак ишларингизни назоратга олиш ҳисобланади. Бунда сиз ҳамиша кейин нимани бажаришни танлаш имконига эга бўласиз. Керакли ва кераксиз ишларни фарқлай олиш қобилиятингиз ҳаётингиз ҳамда ишингиздаги муваффакият калитидир.

Муваффакиятли ва маҳсулдор инсонлар ишни энг асосий вазифадан бошлайдилар. Қандай бўлишидан қатъи назар, ўзларини қурбақани паққос туширишга ундашади. Карабсизки, улар кўпчиликка нисбатан катта ишларни амалга оширадилар, ва албатта, кўпроқ баҳтиёр бўладилар. Сиз ҳам худди шу тарзда ишлashingиз керак.

Ушбу қурбақани паққос туширинг!

1. Бугун ҳаётингиздаги барча олий мақсадлар, фаолият, лойиха ва вазифаларингиз рўйхатини тузинг. Улардан қайсилари натижаларингизнинг 80 ёки 90 фоизини ташкил этувчи мухим 10 ёки 20 фоиз вазифалар бўлиши мумкин?
2. Бугундан бошлаб ҳаётингиз ва ишингиздаги зарур вазифалар устида янада кўпроқ тер тўкишга аҳд қилинг. Арзимас ишларга эса бундан-да камроқ вақт ажратинг.

4-БОБ**Оқибатларни хисобга олинг**

Бор дикқат-эътиборини фақат бир йўналишига қарат-ган ҳар бир одам муваффакиятга эришиади, ҳаётда юксак натижаларни қўлга киритади.

Орисон Светт Марден

Мукаммал фикрловчи шахснинг ажралиб турадиган белгиси – қилаётган ишининг оқибатини аввалдан кўра олиши. Ҳар қандай вазифа ёки фаолиятнинг оқибати унинг сиз ва сизнинг компаниянгиз учун аҳамиятини белгилаб берувчи асосий ўлчовдир. Вазифа аҳамиятини баҳолашнинг бу услуби сизнинг кейинги “курбақангиз”ни кўрсатади.

Ҳарвард университети доктори Эдвард Бенфилд эллик йиллик изланишлардан сўнг “узоқ муддатли режалар” Америкадаги ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг энг аниқ ягона башпоратчиси, деган холосага келди. “Узоқ муддатли режалар” инсоннинг оиласавий келиб чикиши, ирки, салоҳияти, алоқалари ёки ҳаётдаги муваффакиятини белгиловчи бошқа ҳар қандай омиллардан кўра муҳимроқдир.

Сизнинг вактга, “вакт чизигингизга” бўлган муносабатингиз хулқ-авторингиз ва танловларингизга катта таъсир кўрсатади. Келажак ҳақида қайғурмайдиган одамларга нисбатан ҳаёти ва карьераси ҳақида узоқни кўзлаб фикр юритадиган одамлар ўз вакти ва фаолияти тўғрисида яхшироқ карорлар кабул қиласи.

Қоида: “Узоқни кўзлаб фикр юритиш қисқа муддатли карор қабул қилишни яхшилади.”

Муваффакияти одамларда келажакка нисбатан аниқ режа мавжуд. Улар беш, ўн ва йигирма йиллик келажак ҳақида ўйлашади. Бугунги кунда қилаётган ишлари ўзларининг узоқ муддатли режаларига мос келишига ишонч ҳосил қилиш учун танловлари ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишади.

Вақтни тўғри тақсимланг

Ишингизда келажакда сиз учун ҳақиқатан муҳим бўлган нарса ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш қисқа муддатли

устувор мақсадларингиз ҳақида яхшироқ қарор қабул қилишингизни осонлаштиради.

Мухим нарса деганда, узок муддатли потенциал оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган нарса тушунилади. Мухим бўлмаган нарса эса қисқа муддатли ёки хеч қандай оқибатларга олиб бормайдиган нарсалар ҳисобланади. Ишни бошлашдан аввал доим ўзингизга шундай савол беринг: “Бу топшириқни бажариш ёки бажармаслик оқибати қандай бўлиши мумкин?”

Қоида: “Келажак учун килинган ният ҳозирги хатти-ҳаракатларни белгилайди ва уларга ўз таъсирини ўтказади.”

Келгусидаги ниятларингиз ҳақида қанчалик аниқ билсангиз, улар ҳозирда қилаётган ишларингизга шунча катта таъсир ўтказади. Аниқ, узок муддатли тасаввурга эга бўлган ҳолда ҳозирги фаолиятингизни баҳолашга ва уларнинг ҳақиқатан ҳам сиз кўзлаган натижага мос келишига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Узок келажак ҳақида ўйланг

Муваффакиятли инсонлар келажакда янада катта фойда олиш учун қисқа муддатли мукофотларни кечиктиришга ва қурбонликлар қилишга тайёр бўлишади. Бошқа томондан, муваффакиятсиз инсонлар узок муддатли келажак ҳақида ўйламасдан, осон келадиган завқ ва қониқиши ҳақида кўпроқ қайғуришади.

Руҳлантирувчи маърузачи Деннис Уайтли айтадики: “Муваффакиятсиз инсонлар стрессдан қутулиш билан, ғолиблар эса мақсадга эришиш билан банд бўлади.”

Масалан, ишга эртароқ келиш, ўз соҳангиз бўйича мунтазам мутолаа қилиш, малака ошириш курсларига бориш ва ишдаги мухим вазифаларга эътибор бериш – буларнинг барчаси келажагингизга катта ижобий таъсир кўрсатади.

Бошқа томондан, ишга базур улгuriш, газета ўқиш, қаҳва ичиш ва ҳамкаслар билан чақ-чақлашиш айни пайтда мароқли ва ёқимли бўлиб туюлиши мумкин, аммо бу келгусида юқорига кўтарилишингизда муаммолар, муваффакиятсизликлар ва умидсизликка сабаб бўлиши мукаррар.

Агар оқибати ижобий бирор вазифа ёки иш бўлса, уни биринчи ўринга кўйинг ва дарҳол бажаринг. Агар тез ва си-

фатли бажарилмаса, катта салбий оқибатларга олиб келадиган нарса бўлса, бу ҳам энг муҳим устувор вазифага айланishi даркор. “Курбақсангиз” нима бўлишидан қатъи назар, уни биринчи бўлиб ямламай ютишга аҳд қилинг.

Иштиёқ турткини талаб қиласди. Ҳаракатларингиз ёки хулқ-авторингиз ҳаётингизга қанчалик ижобий таъсир қилиши мумкин бўлса, агар сиз буни аниқ белгилаб олсангиз, сусткашликни бартараф килишга ва тезроқ ишга киришишга шунчалик иштиёқманд бўласиз.

Компаниянгиз ва келажагингиз учун катта аҳамиятли вазифаларни бошлаб, уларни якунига етказиб, диккатингизни жамлаган ҳолда илдамлашда давом этинг.

Ёдингизда бўлсин, барибир вақт ўтади. Асосий савол – уни қандай ўтгазишингиз ҳамда ҳафталар ва ойлар якунида ўзингизни қаерда топишингиз. Бу эса ўз ҳаракатларингизнинг эҳтимолий оқибатларига айни пайтда қанчалик эътибор қаратишингизга боғлик.

Танловингиз, қарорларингиз ҳамда хатти-ҳаракатларингизнинг оқибатлари ҳакида ўйлаш ишингизда ва шахсий ҳаётингизда ҳақиқий устувор мақсадларни аниқлашнинг энг яхши усусларидан биридир.

Мажбурий самарадорлик қонунига риоя қилинг

Ушбу қонунга кўра: “Ҳамма нарсага вақт етмайди, лекин энг муҳим нарсалар учун доим етарли вақт бор.”

Бошқача қилиб айтганда, сиз ҳовуздаги ҳар қандай курбақани тановул қила олмайсиз, лекин энг катта ва хунугини пақкос туширишингиз мумкин. Ҳозирча сиз учун шунинг ўзи етарли бўлади.

Вақtingиз оз қолаётган бўлса ва асосий вазифа ёки лоийҳани бажармаслик жиддий оқибатларга олиб келса, доим вақт бордай туюлаверади, айниқса, энг сўнгги дақикаларда. Агар сизда ҳеч қандай танлов имконияти бўлмаса, ишни тутатмаслик оқибати етарлича жиддий бўлса, белгиланган муддатда тамомламасдан мулзам юргандан кўра эрта ишга киришиб, кечгача ишлашни ва ўзингизни ишни тамомлашга мажбур қилишни афзал кўрасиз.

Қоида: “Режаланган ҳамма ишга улгуриш учун етарли вақт ҳеч қачон бўлмайди.”

Бугунги кунда бизнесдаги ўртacha одам, айниқса, қисқартиришлар даврида менежерлар ўз имкониятларининг 110-130 фоизида ишлайди. Вазифалар ва мажбуриятлар эса устма-уст кўшилиб бораверади. Уларнинг ҳаммасида ҳали кўриб чиқиши керак бўлган материаллари тўпланиб ётибди. Якинда ўтказилган бир тадқикот натижаларига кўра, ўртacha менежернинг уйи ва идорасида 300-400 соат вақт оладиган лойиҳа ва материаллар йигилиб қолган.

Бу ҳамма ишга улгурга олмаслигинизни англатади. Ҳаммасига улгуришдай ғайриоддий ғояни миянгиздан чиқарив ташланг. Умид қилишингиз мумкин бўлган нарса – энг муҳим мажбуриятларнинг уддасидан чиқиш. Қолганлари эса кутиб туради.

Белгиланган муддат шунчаки баҳона

Кўпчилик муайян белгиланган муддатлар бўлса, яхшиrok ишлашларини айтишади. Афсуски, йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу камдан-кам ҳолларда иш беради.

Белгиланган муддат босими остида ишлаётган инсонлар кўпроқ стресс ва хатолардан азият чекади. Анча кўп вазифаларни қайтадан бажаришига тўғри келади. Кўпинча белгиланган муддат сабабли шошилишда қилинган хатолар кеъинчалик улкан молиявий йўқотишлар келтиради. Баъзида одамлар охирги дақиқада ишни тугатишга шошилганда иш аслида кўпроқ вақт талаб этади ва кейин уни қайта ўзгартиришга тўғри келади.

Олдиндан режалаш, кутилмаган кечикиш ва оғишларга йўл кўймаслик учун етарли вақт қолдириш яхшиrokдир. Вазифа қанча вақт талаб қиласи деб ўйласангиз, шунга яна 20 фоизини кўшиб ҳисобланг ёки ўзингиз учун белгиланган вақтдан олдинроқ ниҳоясига етказинг. Ўзингизни қанчалик сенгил хис қилаётганингиз ва ишни қанчалик пухта бажараётганингиздан ҳайратда қоласиз.

Максимал самарадорлик учун уч савол

Энг муҳим вазифаларингизни жадвал бўйича ниҳоясига етказишга диққатингизни қаратиш учун доимий ўзингизга берадиган учта савол мавжуд.

Биринчи савол: “Менинг энг аҳамиятли вазифаларим қайсилар?”

Бошқача айтганда, ташкилотингизга энг катта хисса қўшишингиз учун паққос туширишингиз керак бўлган енг йирик қурбақа қайси? Ёки оиласизга, ёки умуман олганда, ҳаётингизга?

Жавоб беришингиз мумкин бўлган энг муҳим савол шудир. Сизнинг кимматли вазифаларингиз қайсилар? Буни аввал ўзингиз чуқур ўйлаб кўринг. Кейин раҳбарингиз билан маслаҳатлашинг. Ҳамкасларингиз, ҳодимларингиз, дўстларингиз ва оила аъзоларингиздан сўраб кўринг. Камера фокусини бир обьектга тўғрилаган каби сиз ҳам ишни бошлашдан аввал қайси вазифаларнинг қиймати энг баланд эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Иккеничи савол: “Мен ва фақат мен қиласидиган қайси иш қойилмақом бажарилса, чинакам ўзгариш қила олади?”

Ушбу савол муаллифи менежмент устаси Питер Друкердир. Бу шахсий самарадорликка эришиш йўлидаги энг зўр саволлардан биридир. Сиз ва фақат сиз қиласидиган қайси ишни қойилмақом қилиб бажарсангиз, чинакам ўзгариш қила олади?

Ушбу саволнинг жавоби фақат сизнинг хос вазифангизни аниқлаб беради. У шундай вазифаки, сиз бажармасангиз, бошка ҳеч кимса буни қила олмайди. Агар қойилмақом қилиб уддаласангиз, у сизнинг карьеерангиз ва ҳаётингизда ҳақиқий ўзгаришга сабаб бўлади. Сизнинг хос қурбақангиз қайси?

Ҳар куни ва исталган соатда бу саволни ўзингизга беришингиз мумкин. Албатта, аниқ жавоб келади. Сизнинг вазифангиз тўғри жавобни топиш ва бошка ишларни бажаришдан аввал айнан шу вазифани бажаришга киришишдир.

Учинчи савол: “Айни пайтда вақтдан энг унумли фойдаланишим учун нима қилишим керак?”

Айни пайтда энг катта қурбақа қайси?

Бу вақтни назорат қилиш йўлидаги энг долзарб савол хи-
собланади. Ушбу саволга тўғри жавоб сусткашликни бартараф
қилиш ва самарадор шахс бўлишнинг асоси саналади. Ҳар
бир куннинг ҳар бир соатида вақтдан унумли фойдаланиш
учун бажариш мумкин бўлган вазифа доим бўлади. Ўзингиз-
дан ушбу саволни қайта ва қайта сўраш ва нима бўлишида
қатъи назар, доим унга жавоб беришга уринишингиз зарур.

Мухим нарсаларни биринчи бажаринг, иккинчи даражали
нарсаларни эса ҳеч қачон. Гёте айтганидек: “Энг аҳамият-
ли нарсалар энг аҳамиятсиз нарсалар таъсирида бўлмаслиги
керак.”

Бу саволга жавобингиз қанчалик тўғри бўлса, аниқ усту-
вор мақсадларни белгилаш, кечиктиришнинг олдини олиш
ва вақтингизни унумли ўтказишга ёрдам берадиган ўша ваз-
ифани бажаришга киришиш шунчалик осон бўлади.



Ушбу қурбақани паққос тушириинг!

1. Вазифаларингиз, ишларингиз ва лойиҳаларингиз
рўйхатини доимий равишида кўздан кечириб туринг. Тўхтов-
сиз ўзингизга савол беринг: “Лойиҳалар ёки вазифаларнинг
қайси бири, агар мен уни ўз вақтида ва яхши бажарсам,
ишимда ёки шахсий ҳаётимда энг ижобий роль ўйнаши
мумкин?”

2. Ҳар бир куннинг ҳар бир соатида бажаришингиз
мумкин бўлган энг мухим ишни аниклаб олинг. Сўнг ўзингизни
вақтдан имкон борича унумли фойдаланишга ўрга-
тинг. Айни пайтда сиз учун шундай вазифа қайси?

3. Ўзингиз учун энг фойдали нарсани мақсад қилиб
олинг, унга эришиш учун режа тузинг ва режангиз бўйича
дархол ишга киришинг. Гётенинг ажойиб сўзларини унут-
манг: “Шунчаки бошланг ва онгингиз қизиб кетади; давом
этинг, вазифа якунига етади.”

5-БОБ

Ижодий кечикитиришни машқ қилинг

Ҳар куни катта вазифаларни бажариши учун вақт ажратинг. Кундалик иши ҳажсмини олдиндан режсаланг. Эрталаб дарҳол бажарилиши керак бўлган нисбатан кам сонли кичик ишларни ажратиб олинг. Кейин тўғридан-тўғри катта вазифаларга ўтинг ва уларни якунлашга интилинг.

Кенгаидаги ҳисоботлар

Ижодий кечикитириш шахсий ижронинг барча техникалари орасида энг самаралиси ҳисобланади. У ҳаётингизни ўзгартириши мумкин.

Ҳақиқат шундаки, сиз лозим бўлган ҳамма ишга улгурмайсиз. Ниманидир кечикитиришингизга тўғри келади! Шунинг учун майда вазифаларни бажаришга шошилманг. Майда ва жирканч бўлмаган қурбақаларни ейишни ортга суринг. Энг катта ва энг хунук қурбақаларни пақкос туширинг. Энг ёмонидан бошланг!

Ҳамма кечикитиради. Аммо юкори ва паст кўрсаткичли инсонлар ўтасидаги фарқ нимани кечикитириш мумкинлигини билишдадир.

Сиз ҳам ниманидир кечикитиришингизга тўғри келади. Шунинг учун бугундан бошлаб қиймати паст бўлган юмушларингизни кейинга қолдиришга қарор қилинг. Ҳаётингизга айтарли ҳисса кўшмайдиган майда юмушларни кечикитиринг, бошқаларга топширинг ёки улардан воз кечинг. Итбаликлардан воз кечинг ва бор эътиборингизни қурбақаларга қаратинг.

Муҳим ва беҳуда вазифаларнинг фарқи

Асосий нуқтага эътибор беринг. Муҳим вазифаларни тўғри белгилаш учун сиз аҳамияти паст вазифаларни ҳам аниқлашингиз керак. Устувор вазифалар тезроқ ва кўпроқ бажаришингиз керак бўлган, аҳамияти паст вазифалар эса камроқ ва кечикитиришингиз мумкин бўлган вазифаларdir.

Қоида: “Майда юмушлардан қанчалик воз кеча олсангиз, ўз вақtingиз ва ҳаётингизни ўша даражада бошқара оласиз.”

Вақтни бошқаришдаги энг кучли сўзлардан бири – “Йўқ!” Бу сўздан мулоҳимлик билан ва эҳтиёткорона фой-

даланинг. Тушунмовчилик бўлмаслиги учун аниқ қилиб айтинг. Вақт назорати учун ишлатадиган сўз бойлигингиzinинг одатий қисми сифатида уни мунтазам ишлатинг.

Вақtingиз ва ҳаётингиз учун бефойда нарсага “йўқ” деб айтинг. Хоҳишингизга қарши бирор нарсага рози бўлмаслик учун “йўқ”ни мулойимлик билан, аммо қатъият-ла айтинг. Уни эрта айтинг ва тез-тез айтинг. Бўш вақtingиз йўқлигини унутманг: “Сиз муҳим ишлар билан бандсиз.”

Бирор янги ишга киришишдан аввал эскисини якунлашингиз ёки тўхтатишингиз керак. Кириш учун аввал чиқиш керак. Кўтариш аввал пастга қўйиш демакдир.

Ижодий кечиктириш ҳозир зарур бўлмаган аниқ нарсалар тўгрисида фикрлаб ва қатъият билан қарор қабул қилишдир.

Кечиктиришни аниқ мақсад билан қилинг

Аксарият одамлар ўзлари билмай кечиктиришга одатлашишган. Улар буни ўйламай қилишади. Бу кечиктиришлар уларнинг ҳаёти ва карьерасига жиддий ўзгаришлар олиб келиши мумкин. Қимматли ва муҳим вазифаларни ортга сурди. Сиз ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу умумий тенденциядан қочишингиз керак.

Қиладиган ишингиз кам аҳамиятли вазифаларни бажаришни атайин кечиктиришдир. Шунда муҳим вазифаларни бажариш учун кўпроқ вақtingиз бўлади.

Тўхтатсангиз йўқотишларга сабаб бўлмайдиган, вақтни исроф қиладиган вазифаларни аниқлаш учун бурч ва мажбуриятларингизни доимий равишда қайта кўриб чиқинг. Бу сизнинг бир умрлик мажбуриятингиз.

Масалан, менинг дўстим ёлғиз қолганда гольф ўйнарди. У ҳар ҳафтада уч-тўрт соат гольф ўйнашни хуш кўрарди.

Бир неча йил ўтгач у бизнес бошлади, уйланди ва икки фарзандли бўлди. Аммо гольф майдонига сарфланган вақт уй ва идорада катта стрессни келтириб чиқараётганини тушунгунича у барибир ҳафтасига уч-беш марта гольф ўйнашда давом этди. Фақат гольф ўйнашни камайтирибгина, у ўз ҳаётини назорат қила олди.


Вақт оладиган

вазифаларнинг муҳимини ажратиб олинг

Воз кечсангиз йўқотишга сабаб бўлмайдиган, аммо кўп вақт оладиган юмушлар ва вазифаларни аниқлаш учун ҳаётингизни доимий равишда қайта кўриб чиқинг. Телевизорга сарфлайдиган вақтингизни камайтириб, тежаб қолган вақтингизни оиласангизга, китоб ўқишига, машқ қилишига ёки ҳаётингиз сифатини яхшилайдиган бирон ишга сарфланг.

Ишларингизга назар ташланг ва аҳамиятли нарсаларга кўпроқ вақт ажратиш учун воз кечса бўладиган ортиқча вазифаларни аниқланг. Қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар, аҳамияти паст бўлган нарсаларни белгилашни ва ижодий кечикиришни бугундан бошланг. Ана шу қарорнинг ўзи ҳам ҳаётингиз ва вақтингизни назоратга олишингизга имкон беради.

Ушбу қурбақани паққос туширинг!



1. Ҳаётнинг ҳар бир палласида нолдан бошлаб фикрлашни машқ қилинг. Ўзингизга доимий равишда шундай савол беринг: “Агар бу ишни ҳали бошламаганимда ҳозирги билимим билан уни бошлаган бўлармишим ёки бугун шу ишга киришармишим?” Агар уни ҳозирги билимларингиз билан бугун қайта бошламайдиган бўлсангиз, айнан шу иш кечикиришга ёки тўхтатишга арзийдиган асосий номзод саналади.

2. Шахсий ишларингизни кўриб чиқинг ва ҳозирги аҳволингизга қараб уларни баҳоланг. Дарҳол тўхтатилиши керак бўлган ёки муҳим мақсадларга эришилгунга қадар кечикирилиши зарур бўлган битта ишни танланг.

6-БОБ**Доимо "АБСДЕ" методидан фойдаланинг**

Муваффақиятга эришишининг асосий қалити дикқатни жамлашдир. Энергияни бир нуқтага жамлаш ва ўнгга ҳам, чапга ҳам оғизимай шу нуқтага эътибор қаратиш зарур.

Уилям Масюс

Ишни бошлашдан аввал уни режалаш ва устуворликни белгилаш устида қанчалик кўп фикр юритсангиз, шунчалик кўпроқ муҳим ишларга вақт топасиз ҳамда уларни тезроқ ба-жарасиз.

Бажараётган ишингиз сиз учун муҳим ва қимматли бўлса, сиз уни кейинга қолдирмайсиз, бундан руҳланганча ишга шўнғиб кетасиз.

“АБСДЕ” методи устуворликни белгилашнинг кучли усулларидан бири ҳисобланади. Сиз у ёрдамида ҳар бир кунингизни режалашингиз мумкин. Бу усул содда ва жуда фойдали. У сизни ўз соҳангизнинг энг самарали ишчисига айлантиради.

Ёзма фикрланг

Бу услубнинг кучи унинг оддийлигидадир. Сиз ундан келаси куни бажарилиши лозим бўлган ишлар рўйхатини тузишда фойдаланасиз. Шу йўл билан ёзма равишда фикрлашга ўтасиз.

Сўнг рўйхатдаги топшириклар тўғрисига бирма-бир А, Б, С, Д ёки Е ҳарфларини жойлаб чиқасиз.

Топшириқ каршисидаги “А” ҳарфи унинг жуда муҳим эканлигини англатади. Сиз уни бажаришга мажбурсиз. Агар бажармасангиз ёки бажара олмасангиз, нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин. Асосий харидор билан учрашиш ёки раҳбарингиз мажлисида фойдаланадиган ҳисботни тайёрлаш шулар жумласидандир. “А” топшириклар ҳаёtingиздаги курбақалардир.

Агар сизда “А” топшириклар сони кўпроқ бўлса, уларни А-1, А-2, А-3 ва ҳоказо шаклида белгилаб олишингиз мумкин. Шунда “А-1” топшириқ қолганлар ичida энг катта ва энг хунук курбақага айланади.

Лозим ёки зарур

“Б” топшириклар бажаришингиз зарур ишлар таркиби-га киради. Аммо уларни бажармаслик ҳам унчалик жиддий оқибатларга олиб бормайди. Улар ҳаётингизда учровчи итбаликлардир. Мабодо уларни бажармасангиз, кимдир оқибатда ўзини қониқмаган ёки хафа ҳис қилиши мумкин, лекин улар барибир “А” топшириклар даражасида муҳим эмас. Мажбурий бўлмаган телефон хабарларига жавоб қайтариш ёки электрон почтангизни тез-тез текшириб туриш кабиларни “Б” топшириклар қаторига кўшиш мумкин.

Ягона қоида шуки, рўйхатда ҳали бажарилмаган “А” топшириқ мавжуд бўлса, ҳеч қачон “Б” топшириқни бажаришга киришманг. Қаршингизда тановул қилинишини кутаётган йирик курбака турганда итбаликларга андармон бўлманг.

“С” даражадаги вазифаларни эътиборсиз қолдириш талафот келтирмаса-да, уларни ҳам бажарганингиз максадга мувофиқдир. Дўстингизга шунчаки қўнғироқ қилиш, ҳамкаслар билан тушлик қилиш ёки баъзи иш соатларини шахсий бизнес учун сарфлаш кабилар “С” топшириклар жумласидандир. Булар ишингизга деярли ўз таъсирини ўтказмайди.

Бошқа одамга ишониб топшириш мумкин бўлган вазифалар “Д” тоифадаги вазифалар сирасига киради. Ҳар қандай одамнинг кўлидан келадиган ишларнигина бошқа бир одамга юклашингиз мумкин. Шунда ўзингизнинг кўлингиздан келадиган “А” топширикларни бажариш учун кўпроқ вақт ортади.

“Е” тоифадаги вазифаларни эса четлаб ўтиш ҳам мумкин ва бу билан ҳеч нима ўзгармайди.

Бу вазифалар қачонлардир муҳим бўлган, аммо аҳамиятини йўқотган вазифалар бўлиши мумкин. Баъзан уларнинг таркибига сиз одатланиб қолган, лекин ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган машғулотлар ҳам киради. Шундай экан, “Е” вазифалар учун сарфланаётган ҳар бир дакика ҳаётингизни ўзгартириши мумкин бўлган муҳим ишларга вақтни камайтиради.

“АБСДЕ” методини қўллаганингиздан сўнг сиз кунингизни тўқис режалаган ва энг муҳим ишларга тайёр бўласиз.

Кутманг!

“АБСДЕ” методида омадга эришишнинг бош калити дарҳол “А-1” вазифани бажаришга киришиш ва у якунланмагунча тўхтамасликдир. Энг муҳим ишни тўхтатиб қўймаслик учун ўз иродангизни тобланг. Қурбақани тўлиқ тановул қилинг ва тугатмагунингизча асло тўхтаманг.

Рўйхатингизни кўздан кечиринг ва “А-1” вазифа муҳим мақсадлар йўлидаги нарвон эканлигини хис қилинг. У орқали сиз тажрибангиз ошиши, ўз-ўзини хурмат қилиш ва фахр туйғусини туйишингизни ёдда тутинг.

Қачонки энг муҳим ҳисобланган “А-1” вазифага эътибор қаратиш одатингизга айланса, сиз атрофдагилардан кўра кўпроқ натижага эришишни бошлайсиз.

Қурбақани паққос туширинг!

1. Рўйхатингизни кўздан кечиринг ва ҳар бир вазифа қаршисига А, Б, С, Д ёки Е ҳарфларини кўйиб чиқинг. “А-1” вазифани танланг ва ҳаракатни дарҳол бошланг. Вазифа адо этилмагунча бошқа ишларга чалғиманг.

2. “АБСДЕ” методини ҳар куни ва ҳар бир ишни бошлишдан аввал қўлланг. Шундан сўнг сиз қилаётган ишларингизни яхши режалаган бўласиз ва энг муҳим вазифаларга биринчи эътибор қаратасиз. Шу зайл келажагингиз пойдевори мустаҳкамланади.

7-БОБ**Натижанинг асосий соҳаларига эътибор қаратинг**

Ҳар бир жисмоний ва ақлий омиллар ҳисобга олинса, муаммони ечиш имконияти кескин ортади.

Норман Винсент Пил

Нима учун бу компанияда ишлайсиз? Бу бутун иш давомида ўзингиздан қайта ва қайта сўрашингиз керак бўлган энг муҳим саволлардан биридир.

Кўпчилик одамлар бу саволга аниқ жавоб берга олмайди. Сиз ҳам нима учун ўз компаниянгизга ишга жойлашганингизни ёки улар сизни нима мақсадда ёллаганини билмасангиз, ўзингизнинг имкониятларингизни тўлиқ намоён эта олмайсиз ва оқибатда маошингиз ҳам, лавозимингиз ҳам кўтарилимай қолаверади.

Қисқа қилиб айтганда, компания аниқ бир мақсадда сизни ишга қабул қиласди. Харидорлар истайдиган маҳсулот ёки хизматни яратиш учун сифат ва миқдор жиҳатидан қониқарли иш учун ҳақ тўланади.

Ҳар бир иш бештадан еттитагача (баъзида кўпроқ) натижажа соҳасидан ташкил топади. Бу натижалар сизнинг ўз масъулиятингизни тўлақонли ҳис этишингиз ва компаниянгиз учун жонингизни бериб ишлашингизни тақозо этади.

Натижанинг асосий майдонлари қон босими, юрак уриши, нафас йўли ва мия тўқималарининг ҳаракати каби инсон танасининг муҳим функцияларига ўхшайди. Бу функцияларнинг бирортаси ишламай қолиши организм ўлимига сабаб бўлади. Шундай экан, натижага эришиш йўлидаги ҳар бир хато фаолиятингизга нуқта қўйиши мумкин.

Менежмент ва саводдаги етти омил

Менежментда натижага эришишнинг асосий омиллари қуидагилар: режалаштириш, ташкиллаштириш, ишчи ёллаш, ваколат бериш, назорат қилиш, ўлчаш ва ҳисобот бериш. Булар ҳар бир менежер ўз соҳасида муваффакиятга эришиши учун зарур омиллардир. Булардан бирортаси бўлмаса ҳам натижага эришиб бўлмайди.

Сотувчи сифатида натижага эришишнинг асосий омиллари

эса аниқ мақсад, ўзаро муносабатлардаги ишонч, эхтиёжларни аниклаш, ишонарли тарзда тақдим этиш, саволларга жавоб бериш, маҳсулотни сотиб тугатиш, қайтариб олиш ва тавсиялар беришдир. Буларни бажаришда хатога йўл қўйиш савдонинг ўлишига ва сотувчининг касод бўлишига олиб келади.

Қай соҳада фаолият кўрсатишингиздан катъи назар, иш сифати учун юкоридаги каби мухим факторларга эътибор каратишингиз лозим. Бу талаблар доимий равишида ўзгариб туради. Ўзингизда шакллантирган кўниммаларингиз биринчи галда ишингизда аскатади. Аммо қанчалик омадли ёки омадсизлигинги кўрсатган мухим натижаларингиз билан ўлчанади. Сиз нимага эришдингиз?

Натижа учун сиз тўлиқ маъсулсиз. Бошкача айтганда, сиз ўз ишингизни уддаламасангиз, у ўз-ўзидан бажарилиб колмайди. Натижага эришиш ўзингизга боғлик. Сиз эришадиган натижа колган ходимларнинг харакатига ҳам таъсир этади.

Аниклик мухимдир

Ишни бошлашдан аввал қандай натижаларга эришини кераклигини аниклаб олинг. Бу ҳакила раҳбарингиз билан мухокама килинг. Бажарилиши керак бўлган энг мухим ишлар рўйхатини тузинг ва бу рўйхат ҳамкасларингиз мақсадига ҳам зид эмаслигига ишонч ҳосил килинг.

Масалан, сотувчи учун янги ҳаридор топиш мухим натижа хисобланади. Бу савдо жарабининг калитидир. Маҳсулотни сотиб тугатиш ҳам мухим натижа. Қачонки савдо амалга ошса, ишлаб чиқарувчи ва етказувчи бўлимларнинг ишлари ҳам жадаллашади.

Компания раҳбарлари учун банк кредитлари бўйича музокаралар олиб бориш, малакали мутахассисларни ишга жалб этиш, уларга ишни тўғри тақсимлаш мухим натижа хисобланади. Қабулхона ишчиси ёки котиба учун мактуб ёзиш ва қўнгирокларга жавоб бериш мухим натижалар сирасига киради. Ходимнинг бу жараёнларга тезкор ва самарали ёндашуви у оладиган иш ҳаки ва унинг мақомини белгилаб беради.

Ўзингизни баҳолаб боринг

Натижка соҳаларини аниклаб олгач, кейинги қиладиган ишингиз ҳар бир соҳа юзасидан ўзингизни бирдан ўнгача тизимда баҳолаб боришидир. Кучли ва заиф жиҳатларингиз қаерда? Қаерда омадингиз келяти? Қаерда оксаяпсиз?

Комда: Барча салоҳиятларингизниң чегараси энг заиф нуқтасигиз билан белгиланади.

Коидага биноа, сиз етти натижка соҳаларининг олтирасида яхши ишлакага эришсангиз ҳам еттиянисида оқсаннингиз мумкин. Оқибишида еттияни соҳадани заифлигиниз шанд беради ва эришган ишлакагиз шу билан чегараланиб қолади. Бу камчилик аши узуумланганга сабаби газсир кўрсатади ва кейинчалик доимий умидсизлик манбайига айланниши мумкин.

Масалан, топширик берими менежернинг асосий ишлака майдони дисбалансиди. Бу кобилият менежернинг бошига ишчилар кўманида ишлакага орнишини учун асосий курсидир. Самаралии топширик берга олмайдиган менежер ўз кобилишидан тўзиқонни фойдалана олмайди. Самарасиз топширик беришнинг ўзи ҳам ишнинг чагла қомишига сабаб бўлиши мумкин.

Бажара олмаслик сусткаплиликни кучайтиради

Иш жарабийни кечитишлариниң асосий сабабларидан бири одамларнинг ўтмишда ёмон ишлаган ишларидан ўзини олиб кочинишади. Камчилликтарни тузатиш учун режа тузаш ўрнига кўпчилик бундай кочади ва оқибатда ахвол таниш ёмонланади.

Бошкача айтганда, сиз бирор соҳада канчалик кобилийтили бўлсангиз, шу соҳада шунчалик ғайрат кўрсатасиз, сусткапликка йўл кўймайсиз ва ишни тугатиш учун кунт қиласиз.

Табиийси, ҳар бир одамда кучли ва заиф жиҳатлар бор. Ўз камчиликларингизни инкор этишга ёки уларни хаспўшлашта уринманг. Аксинча, уларни билаб олинг. Бу жиҳатларингизни ўнглаш учун режа тузинг. Ўйлаб кўринг, биргина камчилигингиз энг юкори чўққига чиқишингизга тўсик бўлиши ҳам мумкин.

Мұхим савол

Сиз доим үзингиздан сүраб туришингиз керак бўлган энг мұхим саволлардан бири шудир: “Шу қунгача заиф бўлган қайси жиҳатимни янада ривожлантирсам, энг катта ижобий натижага эришган бўламан?”

Сиз бу саволдан каръерангизни қуриш йўлидаги асосий омил сифатида фойдаланишингиз зарур. Жавобни үзингиздан изланг. Уни топасиз.

Раҳбарингизга шу савол билан мурожаат қилинг. Ҳамкасларингиздан сўранг. Дўстларингиз ва оила аъзоларингиздан сўранг. Саволга жавоб топилгач, дарҳол муаммога ечим излашга киришинг.

Бизнесдаги барча маҳорат сирларини ўзлаштириш мумкин. Агар кимдир қайсиdir соҳада юксак натижаларга эришаётган бўлса, сиз ҳам айнан ўша соҳада ўшандай натижага эриша оласиз. Астойдил истасангиз, албатта.

Кечикишга йўл қўймаслик ва вазифаларни ўз вақтида бажаришга эришишнинг энг мұхим шартларидан бири ўз ишингиз устаси бўлишингиздир. Бу ҳаёtingиз ёки каръерангизда бажаришингиз керак бўлган энг мұхим иш ҳисобланади.



Қурбақани паққос туширинг!

1. Иш жараённида натижанинг асосий соҳаларини белгилаб олинг. Улар каерда жойлашган? Ишни бажаришда эришишингиз лозим бўлган асосий натижаларни ёзинг. Ўзингизни бирдан ўнгача бўлган шкалада баҳолаб боринг. Сўнг ижобий натижага эришиш йўлида сизга халакит берадётган заиф жиҳатингизни аниқланг.

2. Белгиланганларни раҳбарингизга кўрсатинг ва муҳокама қилинг. Таклифлар беринг. Бошқаларнинг қўмаги билангина юксак мэрраларга эришишингиз мумкин. Шундай экан, эришган натижаларингизни ҳамкасларингиз билан муҳокама қилинг. Улар билан кўпроқ мулоқотда бўлинг. Буни одатта айлантиринг. Ривожланишдан тўхтаманг. Унуманг, биргина шу қарор билан бутун ҳаёtingизни ўзгартириб юборишишингиз мумкин.

8-БОБ**Учлик қоидаси**

Бор имкониятдан вақтида фойдалан.

Теодор Рузвельт

Бизнесингиз ёки компаниянгизга фойда келтирадиган сиз шуғулланишингиз лозим бўлган уч муҳим вазифа бор. Бу уч вазифани билиб олишингиз ва бор дикқатингизни шуларга қаратишингиз мақсадга эришиш учун фоят аҳамиятлидир. Қуйида бир хаётий воқеа келтираман.

Сан Диегода уч ой машгулотимда қатнашган Синция ўз ҳикоясини гуруҳдошларига айтиб қолди: “90 кун аввал бу ерга келганимда сиз менга 12 ой ичида даромадимни икки баравар ошириб, бўш вақтимни ҳам икки баравар кўпайтиришни кўрсатаман деб айтгандингиз. Бу менга анчагина имконсиздек кўринган бўлса-да, синаб кўришга рози бўлгандим.

Машгулотнинг ilk кунида сиз мендан бир рўйхат тузишимни сўрадингиз. Рўйхатда ўтган ой ёки ўтган хафта машғул бўлган ишларим мужассам бўлиши керак эди. 17 та вазифадан иборат жадвални тузиб чиқдим. Муаммойим ишга кўмилиб қолганимда эди. Мен кунига 10-12 соат, хафтасига 6 кун ишлардим. Турмуш ўртоғим ва 2 фарзандим учун вақт топа олмасдим. Шунга қарамай ишда ҳам юқори натижага эриша олмадим.

8 йилдан бўён юқори технологияга ихтисослашган жадал ўсаётган компанияда ишлайман. Иш чидаб бўлмас дараҷада кўп, бўш вақтим эса ҳеч қачон бўлмайдигандек эди.”

Куни бўйи бир иш

У ҳикоясини давом эттириди: “Рўйхатни тузиб бўлгач сиз мендан сўрадингиз: “Агар сиз куни бўйи шу жадвалдаги биргина вазифани бажарадиган бўлсангиз, қайси вазифа компаниянгизга энг кўп наф келтирган бўларди?”

Буни аниқлаш қийинмасди, тегишли вазифа ракамига белги қўйдим.

Сиз яна сўрадингиз: “Агар жадвалдагилардан яна бирини бажариш имкони туғилса, қайси вазифани компания фойдаси учун иккинчи энг муҳим вазифа деб кўрсатардингиз?”

Иккинчи энг мухим вазифани белгилаганимдан сүнг айни шу тартибда саволни давом эттириб, учинчи энг мухим топшириқни белгилашимни сўрадингиз.

Кейин шундай бир гап айттингизки, ҳайратдан ёқа ушладим. Компанияга қўшадиган улушингизнинг 90 фоизи ана шу З вазифани бажаришингиздан келади, деб айттингиз. Улардан бошқа вазифалар қўшимча ёки мухимларни тўлдиради, холос. Қўшимча топширикларни эса қисқартириш, бошқа бир одамга ишониб топшириш ёки четлаб ўтиш мумкин.”

Дарҳол ишга киришинг

Синция ҳикоясини давом эттириди: “Ўша З вазифани бажариш орқали мен компанияга кўпроқ наф келтиришимни дарров англадим. Бу жума куни эди. Душанба куни соат 10 да англаган ўша кашфиётимни бошлигимга тушунтирдим. Унга шу З вазифадан бўлак ҳамма ишларни бошқа ҳодимларга юклаши кераклиги ҳақида айтдим. Агар мен шу вазифалар устида кун бўйи ишласам, компанияга нафим 2 баробар кўпроқ тегиши мумкинлиги ҳақида гапирдим. Агар шундай бўлса, маошимни ҳам 2 баробар ошириб беришини сўрадим.

Бошлиғим бироз сукут саклади. У бир менга, бир қўлимдаги рўйхатга назар ташлаб, таклифимни маъқуллади. Девордаги соат 10 дан 21 дақика ўтганини кўрсатаётган эди.

“Тўгри айтяпсиз, - деди у. - Сиз айтаётган уч вазифа компания фойдаси учун қилинадиган энг мухим ишлардир ва сиз уларни яхши бажарасиз. Мен сизга қолган майда вазифаларингизни бошқа одамга топширишингизга ёрдам бераман. Шу билан уларга кетказадиган вақтингизни тежайимиз ва бутун эътиборингизни ана шу З вазифага қаратишингиз мумкин бўлади.”

Ҳаётингизни ўзгартиринг

Синция ҳикоясини шундай хulosалади: “Мен ўз ишимни яхши бажарганим каби бошлиғим ҳам ўз ишини бажарди. У майда ишлардан озод бўлишимга ёрдам берди ва мен бордиқатимни асосий З вазифага қаратдим. Компанияга келтирадиган нафимни бир ойда 2 баробар оширдим, иш ҳақим ҳам шунга яраша кўтарилиди.

Мен 8 йилдан ортиқ тер тўкиб меҳнат қилган бўлсам-да, сўнгги ойдагина даромадимни 2 баробар ошира олдим. Бу вактим ва қувватимни ана шу асосий 3 вазифага йўналтирганим сабабли бўлди, албатта. Боз устига, аввалгидек кунлик 10-12 соат эмас, 9 соат вактимни ишга сарфлаяпман. Шундай қилиб, оқшомларни ва дам олиш кунларини оиласам билан ўтказяпман. Қисқача қилиб айтганда, ана шу энг муҳим 3 вазифага бор эътиборимни қаратишими бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди.”

Балки иш дунёсидаги энг муҳим сўз “фойда”дир. Сиз оладиган молиявий ёки руҳий рағбатлар сизнинг компанияга келтирган нафингиз билан ўлчанади. Агар уларни ошироқчи бўлсангиз, компанияга келтирадиган нафингизни ҳам оширишингиз зарур. Сиздан компания эришадиган натижа учун мутгасил ишлаш талаб этилади. Бундаги энг кўп наф эса ана ўша 3 та энг муҳим вазифа адо этилишидан келади.

Тезкор рўйхатлаш услуги

Машғулотларимиз бошланишида мижозларга шундай машқ бажартирамиз: уларига оппоқ қоғоз берамиз ва улардан ҳаётдаги энг муҳим уч мақсадини 30 сония ичида ёзиб беришни сўраймиз.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, 30 сонияда қайд этилган уч мақсад гўё 30 дақиқа ёки 3 соат ўйлангандек тўғри чиқади. Чунки бу вактда онгости гипер-процессордек ишлайди ва кўзланган энг муҳим уч мақсад тезда миянгиздан қоғозга кўчади.

80 фоиз ҳолатларда 3 муҳим мақсаднинг биринчиси молиявий ва қасбга оид мақсадлар, иккинчиси оила ва шахсий ҳаётга, учинчиси эса соғлом турмуш тарзига дахлдор бўлади.

Шундай бўлиши ҳам керак. Булар ҳаётингизнинг уч муҳим устунидир. Агар сиз шу соҳалар бўйича ўзингизни бирдан ўнгача шкалада баҳоласангиз, ҳаётингизда нима жойида-ю, нима тузатилишга муҳтоҷлигини осон билиб оласиз. Уриниб кўрсангиз, ўзингиз гувоҳ бўласиз. Бу тестни турмуш ўртоғингизга ва болаларингизга ҳам қўллаб кўринг. Шунда ҳаммаси аён бўлади.

Ушбу машқни кейинчалик бошқа саволлар ҳисобига ҳам кенгайтиридик:

Айни дамда карьерангиз давомида эришмокчи бўлган энг муҳим З мақсадингиз?

Айни дамда оила ёки шахсий ҳаёт борасида эришмокчи бўлган энг муҳим З мақсадингиз?

Айни дамда 3 та энг муҳим молиявий мақсадингиз?

Айни дамда соғлиғингизга дахлдор З та энг муҳим мақсадингиз?

Айни дамда шахсий ва профессионал ривожланишга доир учта энг муҳим мақсадингиз?

Айни дамда олдингизга қўйган З та энг муҳим ижтимоий мақсадингиз?

Айни дамда ҳаётингиздаги З та энг катта муаммойингиз?

Бу саволларга 30 сонияда жавоб ёзганингизда баъзан ўз жавобларингиздан ажабланишингиз ҳам мумкин. Жавоблар қандай бўлмасин, сиз улар ёрдамида ҳаётингизнинг айни вактдаги ҳақиқий чизмасини кўрасиз. Жавоблар сиз учун, аслида, нима муҳим эканлигини кўрсатиб беради.

Ҳаётингиздаги асосий мақсадларни белгилаб олаётгандা, уларга эришиш режаларини тузаётганда ва бу режаларни амалга оширишга ўзингизни ундаётганда, ҳаётдаги энг асосий мақсад узоқ, баҳтили ва соғлом ҳаёт кечириш эканлигини унутмаслигингиз керак.

Вақтни бошқариш мақсад йўлидаги воситадир

Вақтни самарали тақсимлаш орқали сиз энг муҳим вазифаларни биринчи галда бажаришга имкон топасиз; ҳаётингизни баҳтиёр ва мазмунли қиласидиган машғулотларга вақт ажратадиган оласиз.

Баҳтили ҳаётнинг 85 фоизи яқинларингиз, оила аъзоларингиз билан яхши муносабатга боғлиқ. Муносабатларингиз сифатини белгиловчи муҳим омил эса сиз севган ва сизни ҳам севадиган одамлар билан юзма-юз бўлишга қанчалик вақт ажратишингиздир.

Вақтни бошқара олиш маҳоратидан, ўша қурбақани паққос тушириш, оз вақтда кўп иш қилиш маҳоратидан кўз-

ланган мақсад яқинларингиз билан етарлича бирга бўлишингиз учун, ҳаётингизни завқли қиладиган машгулотлар учун вакт ажратишидир.

Қоида: Ишда вақтнинг сифати, уйда эса миқдори муҳимдир.

Иш вақтида чалғиманг

Ҳаётингизни мувозанатда ушлаб туриш учун иш вақтида ишдан бошқа нарсага чалғимант. Ишхонада бор дикқатингизни ишга қаратинг. Бироз эртароқ бошланг, бироз кечроқ якунланг, ва асосийси, тер тўкиб меҳнат қилинг. Вақтингизни исроф қилманг. Ҳамкасларингиз билан гап сотиб ўтказилган хар дақиқа асосий фаолиятингизга бўлган эътиборингизни сусайтириб боради. Бунинг оқибатида ишнингиздан ажрашингиз ҳам мумкин.

Ундан ҳам ёмони ишда беҳуда сарфланган дақиқалар оиласиз билан ўтказадиган вақтингизни ҳам ўғирлади. Сиз ишдан кеч қайтишга ёки улгурмай қолган ишларингизни уйга ҳам олиб келишга мажбур бўлиб қоласиз. Самарасиз меҳнат оқибатида бутун кунингиз босим остида кечади ва оила аъзоларингиз олдидағи ўз мажбуриятларингизни ортиқ адо эта олмайсиз.

Бир қизча онасидан сўрайди: “Ойижон, дадам нима учун доимо кечалари билан ишлаб чиқади ва мен билан ўйнашга вакт тополмайди?”

Онаси маъюс оҳангда жавоб қайтаради: “Асалим, тушунишинг керак. Даданг ҳамма ишини офисда тугата олмайди. Шунинг учун уйга ҳам олиб келади.”

Қизча яна савол беради: “Агар шундай бўлса, улар нимага дадамни қўйироқ ишга ўтказишмайди?”

Мувозанат сақланг

Юнонларнинг машхур нақлларидан бири: “Ҳар соҳада мўътадиллик.”

Касбий ва шахсий ҳаётингиз орасида мувозанат тъминланиши лозим. Иш жараёнида устувор мақсадларни белгилаб олинг ва энг муҳим вазифаларга эътибор қаратинг. Шу билан бирга, самарали ишлашдан кўзланган асл мақсад

ўзингиз ва оилангиз учун сифатли турмуш яратиш эканлигини ҳам унутманг.

Баъзида одамлар мендан сўрашади: “Қанча муддат касбим ва шахсий ҳаётимда мувозанатни ушлаб туришим керак?”

Мен уларга савол билан жавоб қайтараман: “Баланд дорда кетаётган дорбоз қанча вақт мувозанатни ушлаб туриши керак?”

Бироз ўйлангач, улар тахминан шундай жавоб беришади: “Ҳар доим.”

“Бу ҳам худди шундай жараён. Мувозанатни ҳар доим ушлаб туришингиз керак. Сиз ҳеч қачон ўз-ўзидан идеал мухитга эришиб қолмайсиз. Бунинг учун ишлаш керак”, дейман уларга.

Мақсадингиз имкон қадар яхши ишлаш, кўпига улгуриш ва карьерангиздаги энг олий мукофотларга эришиш бўлиши лозим. Шунингдек, “йўл ёқасидаги гуллар ифоридан баҳра олишни” ҳам унутманг. Нима сабабдан бу қадар қаттиқ меҳнат қилаётганингиз, асосий вақтингизни иш учун сарфлаётганингизни ёдингиздан чиқарманг. Ўзингиз севган одамлар билан қанчалик кўп вақт ўтказсангиз, ҳаёtingиздан шунчалик мамнун бўласиз.



Қурбақани паққос туширинг!

1. Ишингиздаги учта энг муҳим вазифани аниқлаб олинг. “Шу кунгача заиф бўлган қайси жиҳатимни янада ривожлантирсам, карьерамдаги энг катта ижобий натижага эришаман?” Шу саволни ўзингизга беринг. Буни доим та-корорланг. Ўзингиз учун “учлик”ни аниқлаб олганингиздан сўнг бутун кунни уларни бажаришга сарфланг.

2. Ҳаёtingиздаги энг муҳим З мақсадни белгилаб олинг. Мақсадларга эришиш учун режа тузинг ва ўша режадан оғишманг. Шундагина вақт ўтиб ҳайратланарли на-тижаларга эришасиз.

9-БОБ**Бошлашдан аввал жиддий тайёрланинг**

*Қобилиятингиз қай даражада эканлигидан қатъи назар,
сиз ҳозирги ҳолатингиздан кўра кўпрогига эриша оласиз.*

Жеймс Т. Маккей

Сусткашликни бартараф этишнинг яна бир усули ишни бошлашдан аввалги тайёргарлик ҳисобланади. Бирор ишга тўлиқ тайёрланганингизда, ўқланган курол ёки таранг тортилган камон тутган ўқчилик бўласиз. Энг юқори натижаларга эришиш учун сизга биргина маънавий туртки кифоя киласди.

Бу ҳолат таомга солинажак ҳар бир масаллиқни тахт қилиб, сўнг уни тайёрлаш, семизгина қурбақани паккос туширишдек гап. Керакли маҳсулотларни жамлаб олиб, қадам-мақадам улардан бемалол тушлик тайёрлай оласиз.

Ишни столингиз ёки иш жойингизни тозалашдан бошланг. Шунда сизни чалғитувчи ортиқча нарсалардан кутуласиз. Агар жоиз бўлса, ҳамма нарсани ёнингиздаги бошқа столга жойлаб чиқинг. Иш учун керак бўладиган маълумотлар, ҳисоботлар, иш қоғозлари, хужжатлар ва бошқаларни тартибга келтиринг. Уларни қўлингиз етадиган жойга кўйинг. Шунда ҳар сафар ўрнингиздан туришга мажбур бўлмайсиз.

Ёзма материаллар, компьютер дисклари, факс машиналари ва иш учун керакли барча жиҳозлар соз ҳолатда эканига ишонч ҳосил қилинг. Шунда иш жараёнида узилишлар бўлмайди.

Узоқ муддатли меҳнат учун иш майдонингизни ўзингизга қулай ҳолатда тайёрлаб олинг. Айниқса, сиз ўтирган стулнинг қулайлигига эътибор беринг. Елкангиз ва оёқларингиз иш давомида ўзини эркин ҳис қилиши ҳам жуда муҳим.

Шинам иш мұхитини яратинг

Энг самарали ишчилар ўзлари учун қулай иш шароити яратиб олишади ва бундан роҳат олганча меҳнат қилишади. Иш жойингиз қанчалик озода ва покиза бўлса, ишни бошлашингиз ва уни давом эттиришингиз шунчалик осон кечади.

Сусткашликнинг олдини олишнинг энг самарали усулларидан бири ишни бошлашдан аввал иш жойини тахт хо-

датта көлтириб олиш хисобланади. Қаршингиздаги ҳар бир нараса батартиб турса, ишга бошқача кайфият билан ёндашасиз.

Үз вактида бажаринг

Одамлар иш бошлашдан аввал етарлича тадорик күрмалылардың бойынан қанчадан-қанча китоблар ёзилмай қолади, дипломлар үз эгасини топмайды, мухим топшириклар бажарылмай қолади.

Фильм сценарийлари ёзиб, уларни киностудияларга пуллаб, бойиб кетиш илинжида бўлган америкаликлар ҳар йили Лос-Анжелесга оқиб келади. Улар бу шаҳарда йиллар давомида қўйи пофона ишларда юришади ва сценарий ёзиш орзулигича қолиб кетади.

Якинда Лос-Анжелес Таймс нашрининг муҳбири Уилшир бульварда йўловчилар ўртасида бир сўровнома ўтказди. Унинг “Сценарий ёзиш жараёни қандай кетмоқда?” деб берган саволига ҳар тўрт йўловчининг учтаси “Деярли тугатдим!” деб жавоб берган.

Кайғули жиҳати шундаки, балки “деярли тугатдим” жумласи “ҳали бошламадим” деган маънони англатиши ҳам мумкин. Сизда бундай ҳолатлар юз беришига асло йўл кўйманг.

Орзуларингиз томон одимланг

Тайёргарликни тугатишингиз биланоқ эришмоқчи бўлган мақсадларингиз томон боринг. Дарҳол ишга киришинг. Аввало, энг мухимларини бажаринг.

“80 фоиз ишни тўғри бажар, қолганини кейин тўғрила”-бу менинг шахсий қоидам. Байроққа қараб сузинг ва маррага етасиз. Илк уринишдаёқ мукаммал натижани кутманг. Ҳамасини тўғри бажаришдан аввал хатоларга тайёр туринг.

Муваффакият йўлидаги энг катта тўсиқ маҳоратсизлик ёки омад келмаслиги эмас, балки хато қилишдан чўчиш ва у сабаб бўладиган салбий шубҳа-гумонлардир.

Кўркувни енгишнинг ягона йўли “кўркаётган ишингизни бажариш” хисобланади. Шу йўл билан Эмерсон айтганидек, “кўркувнинг мағлубияти мукаррап.” Кучли хоккейчилардан

бири Уэйн Гретский шундай деганди: “Фойдаланилмаган имконият зое кетаверади.”

Тайёргарликни тугатгач, дастлабки қадамни ташлашда дадил бўлинг. Қолгани шу қадамга эргашади. Ўзингизда дадилликни ҳосил қилишингиз учун аввал кўркувдан фориғ бўлишингиз зарур. Агар дадилликни топа олсангиз, кейинги қадамларни ҳам шунга мос равишда ташланг.

Биринчи қадамни ташланг

Иш учун ҳамма нарсани шай қилганингиздан сўнг таннингизни ҳам жўшқин фаолиятга тайёрдек тутинг. Қаддингизни тик кўтариб, стулингиз суянчигидан ўзингизни олинг. Ўзингизни ишчан, самарали одамдек тутинг. Кейин ўзингизга “Қани, олға!” деганча биринчи вазифага киришинг. Вазифани бошлагандан сўнг уни тугатгунча бош кўтарманг.

Курбақани пакъкос туширинг!

1. Уйда ҳам, иш жойингизда ҳам столингиз устини озода сақланг. Ичингизда шу жумлани такрорланг: “Инсон кулаги мухитдагина самарали меҳнат қила олади.” Иш жойингиз қанча батартиб ва озода бўлса, ўзингизни шунча ижобий, маҳсулдор ва дадил ҳис этасиз.

2. Бугуноқ хонангизни ва иш столингизни кераксиз нарсалардан озод қилинг. Шундагина самарали ва фойдали меҳнат қиласиз.



10-БОБ**Бир вақтда бир бочка**

Агар одамлар бир вақтда фақат бир нарсага эътибор қаратса, улар ўз имкониятларидан-да кўпроғига эриша оладилар.

Самуэл Смайлс

Шундай эски бир нақл бор: “Километрма-километр йўл босиш оғир, аммо қадамма-қадам мумкин.”

Сусткашликни йўқотишининг энг яхши усулларидан бири ҳамма ишни бир йўла бажармасдан диккатни факат бир вазифага жамлашдир. Катта қурбақани танаввул қилиш учун ҳам уни майдалаб олиш зарур.

Конфуций шундай дейди: “Минг чақиримлик саёҳат ҳам бир қадамдан бошланади.” Демак, бу сусткашликдан кутулишнинг энг қулай стратегиясидир.

Бепоён сахрони босиб ўтиш

Бир неча йил мукаддам эски Лэнд Роверимда Сахроий Кабир юрагидаги ҳозирги Жазоир худудида жойлашган Тенезеруфтни кесиб ўтганман. Ўша вақтда бу чўлни французлар ташлаб чиқиб кетган эди. Ёқилғи куйиш шохобчалари бўш ва хароб ахволда ётарди.

Чўл 500 миль кенгликка чўзилган бўлиб, атрофда сув, озиқ-овқат, бирор ўсимлик ёки бирор кумурсканни кўриш маҳол эди. Кўзимга сарик қум ва кимсасиз текисликдан бўлак нарса кўринмасди.

Ўтган йилларда сахронинг ана шу қисмини кесиб ўтишда 1300 нафар одам ўлган. Баъзан кўчиб юрувчи қум зарралари йўлларни супуриб кетар, сайёҳлар кечаси адашиб колишар, уларни тирик топиб бўлмасди.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида французлар йўлни белгилаб чиқсан ва ҳар 5 километр масофага ёқилғи куйиб олиш учун бочкалар жойластирган эди.

Сиз кундузи бир бочка олдидан ўтсангиз, кейинги бочкагача яна 5 километр юришингиз кераклигини билиб олардингиз. Сиз билиб туришингиз керак нарса ана шу эди.

Шундай қилиб, мендан кейинги бочкагача етиб олиш та-

лаб этиларди. Натижада, “бир вактда бир бочка”нинг ёрдами билан дунёниг энг катта сахросини кесиб ўтишга эришдим.

Бир вактда бир қадам

Ана шу ҳолатга ўхшаб сиз ҳам бир вактда бир қадам ташлаб, энг мураккаб топширикларни ҳам бажара оласиз. Сиздан талаб этиладигани назарингиз етган жойгача етиб олишдир. Шундан сўнг колганлари ҳам ўз-ўзидан кўрина бошлайди.

Оғир вазифаларга киришишда дастлабки қадамга сид-қидилдан ва ишонч билан ёндашинг. Шундагина кейинги қадамлар ўз-ўзидан аниқлашиб бораверади. Мана бу ажойиб маслаҳатни асло унутманг: “Кўрқмай сакрайверинг, қанотлар ёрдамга келади!”

Яхши карьера бир вактда факат бир вазифани самарали ва тезкор бажариш орқали курилади. Кейин бошқа вазифаларга ҳам бемалол ўтса бўлаверади.


Молиявий мустақилликка кичик миқдордаги маблагни ҳар ой, йилма-йил жамғаривориб бориб эришилади. Соғлик ва жисмоний қувватга кунма-кун, ойма-ой оз-оздан еб, кўп-кўпдан спорт билан шуғулланиш орқали эришилади.

Сиз қадамма-қадам максад сари одимлаб катта ишларни қилиб қўясиз, сусткашликнинг ҳам олдини оласиз. “Бир вактда бир бочка”дан ўтиб, манзилга етасиз.

Қурбақани паққос туширинг!

1. Иш давомида ҳар сафар кечикишларга сабаб бўлаётган вазифа, топшириқ ёки лойиҳани аниқлаб олинг ва уларни бажаришда вужудга келадиган қадамларни рўйхат шаклида белгилаб чикинг.

2. Кейин биринчи қадамни дарҳол ташланг. Баъзида қилишингиз керак бўлган ягона иш рўйхатингиздаги дастлабки қадамни ташлашдангина иборат бўлади. Шундан сўнг иккинчисига, учинчисига ва қолган қадамларга эътиборингизни қаратаверасиз. Якунда эса осон бажариб қўйган ишингиздан ўзингиз ҳам ажабланиб қолишингиз хеч гап эмас.



11-БОБ**Мавжуд маҳоратингизни оширинг**

Муваффақиятнинг ягона сири вазифангиз қандай бўлишидан қатъи назар, уни кутингандан кўра кўпроқ ва сифатлироқ бажариб кўрсатишидир.

Ог Мандино

Бу энг муҳим шахсий самарадорлик тамоилларидан бири ҳисобланади. Ўз ишингизни аъло даражада бажариш учун зарур билимларни ўрганинг. Муайян турдаги қурбакани тановул қилишда қанчалик моҳир бўлиб борсангиз, жараённи тезлаштириш ва ниҳоясига етказиш эҳтимоли шунчалик ортиб бораверади.

Ишни ортга суравериш ва сусткашликтининг асосий сабаби бадбинлик, ўзига ишончнинг озлиги ёки вазифанинг моҳиятини тушуна олмаслиқдир. Заиф ёки нуқсонли деб ҳисоблайдиган биргина жихатингизни хис қилиб туриш ишни бошлашингизга тўсиқ бўлади.

Ўзингизни кўрсата оладиган соҳаларда малакангизни доимий ошириб боринг. Шуни унутмангки, бугунги дарожангиз қанчалик яхши бўлмасин, билим ва кўникумаларингиз тез суръатда эскириб боради. Баскетбол мураббийи Пат Рилемайтганидек: “Агар ривожланмаётган бўлсанг, демак, орқага кетяпсан.”

Ўрганишдан тўхтаманн

Вақtingизни бошқаришнинг самарали усулларидан бири ўз ишингизнинг устасига айланишдир. Шахсий ва касбий ривожланиш вақтни тежашда энг яхши йўлдир. Олдингизга қўйилган вазифада қанчалик моҳир бўлсангиз, шунчалик завқ билан уни бажаришга киришасиз. Шу билан бирга сизда гайрат ва шижоат ҳам уйғонади. Бирор ишни яхши бажара олишингизни билганингизда ҳар қандай шароитда ҳам сусткашликтини енгуб, уни тезроқ ва сифатлироқ бажариш йўлларини топасиз.

Биргина маълумот ёки қўшимча билим ишни маромида бажариш қобилиятингизни ўстириши мумкин. Олдингиздаги энг муҳим вазифани аниқланг ва уни ниҳоясига етка-

зишда зарур бўладиган билимларингизни узлуксиз ошириб бориш режасини тузинг.

Коида: Доимий ўқиб-ўрганиш ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришиш учун минимал талабдир.

Заифлик ёки билимсизлик сизни бирор ерда ортга тортишига йўл кўйманг. Ҳамма нарсани ўрганиш мумкин. Бошқалар ўргандими, демак, сиз ҳам ўргана оласиз.

Илк китобимни ёзишни бошлаганимда тушкунликка тушиб қолгандим. Чунки клавиатура билан ишлашни яхши билмаганим сабабли ёзиш жуда қийин кечарди.

Тез орада англаб етдимки, агар 300 саҳифали китобимни ёзib таҳрирламокчи бўлсам, клавиатура харфларини кўзларим билан эмас, балки бармоқларим ёрдамида топиб ёзишни ўрганишим зарур экан. Шундай қилиб бу усулни ўрганишим учун ёрдам берадиган дастур харид қилиб, компьютеримга ўрнатдим ва уч ой давомида кунига 20-30 дақиқа шуғулландим. Уч ойдан кейин дакиқасига 40-50 та сўз ёза бошладим. Ушбу қўшимча эгаллаган маҳоратим ёрдами билан ҳозирда дунё бўйлаб нашр қилинаётган қирқдан ортиқ китобимни ёзишга муваффақ бўлдим. Кувонарлиси шундаки, сиз ҳам исталган соҳада унумдор ва самарали бўлиш учун зарур бўлган билимларни эгаллай оласиз. Хоҳ клавиатурада ишлаш бўлсин, хоҳ малакали компьютер эксперти, агар зарурат бўлса, албатта, ўрганасиз. Сиз ўткир музокарачи ёки уста сотувчига айлана оласиз. Омма орасида нутқ сўзлашингиз ҳам мумкин. Таъсирли ва ажойиб асаллар ёзишингиз ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси сиз эгаллашга қатъий қарор килган ҳамда ўзингизга бош мақсад қилиб олган билим ва малакалардир.

Маҳоратлиликка уч қадам

Аввало, ҳар куни камида бир соат ўз соҳангизга оид бирор нима ўқинг. Эрталаб бироз вақтироқ уйгониб, 30-60 дақиқа давомида бажараётган ишингизни янада самарали ва унумдор қилишга ёрдам берадиган бирорта китоб ёки журнални мутолаа қилинг.

Иккинчидан, сизга аскатадиган ҳар қандай семинар ва курсларга аъзо бўлинг. Касбингиз ёки машғулотингизга оид анжуман ва учрашувларга қатнашинг. Тренингларга боринг.

Тренерларга яқинроқ ўтириб тингланг ва керакли маълумотларни қисқача ёзиб боринг. Аудио ёзув дастурларини харид қилинг. Ўз соҳангиzinинг энг билимдон ва баркамол эгаларидан бири бўлишга астойдил киришинг.

Учинчидан, автомобилингизда аудио дастурларни тинглаб юришга одатланинг. Автоулов эгаси бир жойдан бошқасига юриш давомида ҳар йили ўртacha 500-1000 соат руль каршисида ўтиради. Машина ҳайдашга сарфланадиган вақтни нимадир ўрганишга сарфланг. Ҳайдаш пайтида шунчаки ўкув аудио дастурини тинглаш орқали сиз энг ақлли, қобилиятли ва юкори ҳақ тўланадиган инсонлардан бирига айланнишингиз мумкин.

Қанчалик кўп ўқиб-ўргансангиз, ўзингизга ишонч ва иштиёқ ортиб, рухланиб бораверасиз. Ўз устингизда ишлаганингиз сари ўз соҳангииздан ҳам кўпроқ иш қилишга кодир бўласиз.

Қанчалик кўп ўргансангиз, янада кўпроқ ўргана оласиз. Худди жисмоний машқлар ёрдамида мушакларингиз ўсгани каби ақлий машқлар орқали ҳам ақлий мушакларингиз мустаҳкамланади. Асосийси, қанчалик узок ва тез илгаралишингизга ҳеч қандай чеклов йўқ. Факат ўз тасаввурларингизга кўйиб олган чегараларингиз бундан мустасно, албатта.



Курбақани паққос туширинг!

1. Бугун “Ўзинг учун ишла” лойиҳангилини ишлаб чикинг. Касбингизнинг бир умрлик ўкувчисига айланинг. Мактаб ҳеч қачон профессионалларни етиштирмайди.

2. Энг яхши ва тезкор натижаларга эришишда ёрдам берадиган асосий қобилиятларингизни аниклаштириб олинг. Келажакда ўз соҳангилини бошқариш учун керак бўладиган бош маҳоратларингизни аникланг. Қанака бўлишидан қатъи назар олдингизга мақсад кўйинг, режа тузиб, ушбу мақсадга етишда зарур қобилиятингизни ўстириб, ривожлантиришни бошланг. Ўз ишингизнинг энг яхши устаси бўлишга аҳд қилинг!

12-БОБ**Махсус иқтидорингизни ишга солинг**

Ишила! Нафақат бугунги эҳтиёжсларинг учун, балки фаровон ҳаёт учин ҳам бироз кўпроқ ҳаракат қил. Мана шу бироз барчасига арзийди

Дин Бриггс

Сиз таҳсинга лойиқсиз! Сизни бошқалардан ажратиб турадиган хос иқтидор ва қобилиятларингиз бор. Ўз бизнес ёки ташкилотингиз учун энг муҳим инсонлардан бирига айлантирадиган қурбақалар мавжуд. Сиздан талаб қилинадиган ягона нарса уларни пакқос тушириш ёки қандай ютишни ўрганиш, холос.

Сиз эплай оладиган ёки эплашни ўрганадиган аниқ нарсалар бордирки, айнан улар сизни ўзингиз ва бошқалар учун ўзига хос қимматли шахсга айлантиради. Сизнинг вазифангиз эса ўз ноёб хислатларингизни аниқлаштириш ҳамда бу жиҳатларингизни яна ва яна яхшилаш учун мажбуриятни зиммангизга олишдир.

Даромад олиш қобилиятингизни оширинг

Пул оқими деб юритиладиган энг қимматли активингиз бу “даромад олиш қобилиятингиз”дир. Ишлай олиш қобилиятингиз йилдан йилга ҳаётингизга 10 минг долларлаб пул олиб келиши мумкин. Бунинг учун ўз фаолиятингизда билим ва маҳоратингизга таянсангиз бас. Бу эса маълум бир қурбақаларни бошқалардан кўра тезроқ ва яхшироқ ея олини санъатидир.

Эҳтимол, ўзингиздаги жамики нарсадан ажralинингиз мумкин: уй, машина, ишингиз, ҳисоб рақамингиз. Аммо даромад олиш қобилиятингиз бор экан буларнинг барчасини ортиғи билан қайтариб олишингиз мумкин.

Ноёб истеъод ва қобилиятларингизни доимий равишда чамалаб боринг. Айнан нимани яхшироқ бажара оласиз? Қайси соҳада иқтидорлисиз? Бонқалар учун мураккаб бўлган қандай ишларни осон ва аъло даражада бажара оласиз? Ортга назар ташлаб кўрининг-чи, фаолиятингиздаги қайди жиҳат бугунги кунгача ҳаётингиз ва ишнингиздаги мувафф

фақиятларга күпроқ ёрдам берган? Шу пайтгача сиз тановул қилиб келаётган энг муҳим қурбақалар қайси?

Нимани яхши күрсантаның шуны қилинг

Табиатингиз шундай яратилғанки, үзингиз айло даражада бажара оладиган ишлардан энг күп завқ оласиз. Қилаётган ишларингиз орасыда сизга энг күп марок бағишлидигани қайси? Қанака турдаги бақаларни тановул қилиш ёқади? Қилаётган ишинингиздан завқланиш чиндан ҳам ўша соҳада маҳоратингиз хавас қиласы эканлигини англаради.

Хәётингиздаги энг катта масъулиятлардан бири севимли машғулотингиз нима эканлигини үзингиз ҳал қилиш ҳамда ўша муҳим машғулотни қойилмақом бажаришга кунт қилишдир.

Сизда мавжуд вазифа ва мажбуриятларга назар ташланг. Қилаётган қайси ишининг атрофдагиларнинг мактөв ва олқишига сазовор бўляпти? Одамлар иши ва ҳаётига бошқалардан кўра ижобийроқ таъсир кўрсатадиган нима қила оласиз?

Муваффакиятли одамлар, шубҳасиз, үзига марок бағишлидиган ишларни аниқлаб олишга вактини аямайдиган инсонлардир. Улар фаолиятининг қайси тури үзларини бошқалардан ажратиб туришини яхши биладилар ҳамда айнан ўша нуктага асосий дикқатни қаратадилар.

Сиз ҳамиша эътиборингизни ўз куч ва маҳоратингиз билан бошлаб ниҳоясига етказа оладиган муҳим вазифаларга қаратишининг лозим. Сизда мавжуд ноёб истеъодод ва қобилиятлар уларни уддалашга катта ҳисса қўшади. Ҳамма нарсани уддасидан чиқолмайсиз, аммо оз бўлса-да үзингиз афзал кўрган ишларга қодирсиз, айнан ана шу ишлар сизни бошқалардан ажратиб туради.

Қурбақани паққос туширинг!



1. Доимий равишада ўзингизга шу саволларни беринг: “Қайси соҳада ҳақиқатдан яхшиман? Қилаётган ишларимнинг қай бири менга кўпроқ завқ беради? Ўтмишимдан бутунгача эришган муваффақиятларимнинг асоси нимада? Агар хоҳлаган машғулотим билан шуғулланиш имкони берилса, нимани танлардим?”

2. Мабодо сизга лотереядан ютуқ чикса ёки катта мидордаги пулга эгалик қиласангиз, келажагингиз учун даромадидан қатъи назар, хоҳлаган ишингизни танлаш имконига эга бўлардингиз, тўғрими? Сиз қайси фаолиятни танлардингиз?

3. Сиз учун муҳим бўлган топшириқларни аъло дарада бажаришга ёрдам берадиган шахсий режаларингизни тузиб чиқинг. Ўз истеъододингизни намойиш этадиган ва доимий мароқ бағишлийдиган ишларни бажаришга бутун диққатингизни қаратинг. Ички кучларингизни очувчи калит ана шунда.

13-БОБ**Олдингиздаги түсіккларни аникланғ**

Бутун фикрингизни құлғынгиздеги вазифага қаратынг. Күёш нурлари бир нұқтага жамланмагунча аланга бермайды.

Александр Граҳам Белл

Хозирги ҳолатингиз ва келажақда эришмоқчы бўлган ҳар қандай мақсадингиз орасидаги йўлда енгиб ўтилиши талаб қилинадиган катта бир ғов бор. Биринчи навбатда қила-диган ишингиз ўша ғовни аниклаб олиш.

Ўзингизга шундай саволлар бериб кўринг: Нима сизни орқага тортяпти? Мақсадларингизга тезроқ етишингизга асос нимада? Сиз хоҳлаган даражага олиб чиқадиган ҳара-катлар суръатини нима белгилайди? Ўсишингиз учун зарур бақаларни тановул қилишга нима халал беряпти? Нега ҳа-мон мақсадларингизга эришолмай ўтирибсиз?

Булар шахсий ривожланиш ҳамда самарадорлик чўкки-сига чиқиш учун ўзингиздан тез-тез сўраладиган мухим са-воллардир. Зиммангиздаги вазифани тез ва сифатли бажа-ришингизни чеклаб қўювчи омил бор экан, биринчи галда ўша вазифани ўрганиб, унинг ичидаги ётган чекловни аниклаб олишингиз зарур. Кейин эса асосий кучингизни ўша оғрикли нұктани заарасизлантиришга сарфлаш керак бўлади.

Чекловчи омилни ойдинлаштиринг

Катта ёки кичик бўлмасин, деярли ҳар бир вазифада мақсадга эришиш ёки ишни якунлаш суръатини белгилаб берувчи восита мавжуд.

Ақлий қувватингизни ўша асос нұқтага жамланг. Бу би-лан вақтингиз ва истеъдодингиздан аъло даражада фойдала-ниш имконига эга бўласиз.

Балки бу чеклов кимнингдир сиз учун зарур қарори ёки ёрдами, керакли ресурс, ташкилотнинг бирор қисмидаги камчилик ва шунга ўхшаш нималардир бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам у ҳар доим бор ҳамда уни топиш вазифа-си доим каршингизда туради.

Мисол учун, бизнесдаги асосий мақсад – харидор кўпай-

тириш ва уларни саклаб қолиш. Бу ишни маромига етказиш орқали компания фойда олади, ривожланади.

Ҳар кандай бизнесда компаниянинг ушбу мақсадга қанчалик тез ва силлиқ эришишини белгиловчи чекловчи омил ёки нозик нуқта мавжуд. Маркетингда бу савдо даражаси ёки савдо қилиш бўлиши мумкин. Эҳтимол, у ишлаб чиқариш усуллари ёки жараёнига кетадиган харажатлардир. Балки, пул окими ва нарх-наво кўрсаткичидир.

Компаниянинг муваффакиятини рақобат, харидорлар ёки бозордаги жорий вазият белгилаб бериши мумкин. Бу омиллардан бири колганларига нисбатан компаниянинг ривожи ва даромадлар кай даражада ўсишини кўпроқ белгилайди. Бу қайси бири?

Исталган жараёндаги чекловчи воситани аниқ ва равшан топа олиш ва унга эътибор қаратиш қисқа вақтда тарақкий этишга бошқа чораларга қараганда кўпроқ хизмат қилади.

80/20 қоидаси чекловларга нисбатан қўлланади

80/20 қоидаси, шунингдек, ҳаётингиз ва ишингиздаги чекловларга нисбатан ҳам қўлланади. Яъни, муваффакиятга эришишда сизга гов бўладиган тўсикларнинг 80 фоизи ички чекловлардир. Улар сизнинг ичингизда, шахсий сифатларингиз, қобилиятларингиз, одатлар, интизом ва компетенцияларингиздадир. Балки, бу тўсиклар сизнинг компания ёки ташкилотингизда бор.

Чекловчи факторларнинг атиги 20 фоизигина сиздан ёки ташкилотингиздан ташқарида. Бор-йўғи 20 фоиз чекловлар рақобат, бозор, хукумат ёки бошқа ташкилотлар, холос.

Сизнинг асосий чекловингиз кичик ва ноаниқ нимадир бўлиши ҳам мумкин. Баъзан у сизни фаолиятингиздаги ҳар бир қадамлар рўйхатини тузишга ёки сизни нима орқага тортаётганини аниқлаш учун ҳар бир ҳаракатингизни текширишга мажбур қилади.

Баъзida у мижозларнинг савдонинг сустлашишига сабаб бўладиган биргина салбий фикри ёки эътирози бўлиши ҳам мумкин. Баъзida бу чекловни биргина хусусиятнинг этишмаслиги сабабли маҳсулотлар савдоси ёки хизмат кўрсатишда ўсиш тўхтаб қолишида кўриш мумкин.

Компаниянгизга холисона караб кўринг. Сиз ёки компаниянгиз ривожига тушов бўлаётган асосий нуқсонлар бор ёки йўклигини билиш учун бошлиғингиз, ҳамкорларингиз ҳамда жамоангиз аъзоларига разм солинг.

Ўзингизга назар солинг

Шахсий ҳаётингизда мақсадларингизга етиш йўлидаги харакатларингизни белгилайдиган чекловчи факторлар ёки чекланган кобилиятларингизни топиш учун ўз ички оламингизни чукур ва вижданан кўздан кечиринг.

Муваффақиятли инсонлар чекловларни таҳлил қилишни доим шундай савол билан бошлишган: “Ичимда мени нима ушлаб турибди?” Улар ўз ҳаётлари учун масъулиятни зиммаларига олишган ҳамда муаммоларнинг сабабларини ҳам, ечимларини ҳам ўзларида кўришган.

Ўзингиздан қайта-қайта сўраб туринг: “Ўзим хоҳлаган натижаларга қанчалик тез эришишим нимага боғлик?”

Аниқликка интилинг

Чеклов тушунчасини қандай тушуниш ундан қандай холос бўлиш йўлларини белгилаб беради.

Асл чеклов нимада эканлигини аниклай олмаслик ёки у ҳақидаги англашилмовчилик сизни хато йўлга бошлаб қўйиши, бутунлай бошқа муаммоларга ўралиб қолишингиз мумкин.

Менинг mijozim бўлган йирик корпорациялардан бирининг савдоси пасайиб кетаётган эди. Улар асосий чекланиш савдо қилиш ва сотувни бошқаришда деб ҳисоблашди. Жуда катта маблагни бошқарувни қайта ташкил қилиш ва сотувчиларни қайта тайёрлашга сарфлашди.

Кейинчалик эса савдонинг сустлашишига асосий сабаб ҳисобчининг хатоси эканлиги маълум бўлди. Компания ҳисобчиси маҳсулотлар нархини кутилмаганда бозордаги ракобатчилариникига нисбатан ошириб қўйганлиги асл сабаб эди. Бир марта нарх-навони қайта кўриб чикканларидан сўнг уларнинг сотувлари аввалги ҳолига қайтиб, яна фойда кўра бошладилар.

Ҳар қандай чеклов ёки тўсиқни муваффақиятли барта-

раф этганингиздан сўнг ҳам улар ортидан бошқасига дуч келасиз. Бу эрта тонгда ишга ўз вақтида бориш бўладими ёки карьера қилиш фарки йўқ. Тараққиётингизга тўсқинлик қилувчи омиллар ва муаммолар доим бор. Сиздан асосий талаб этиладигани уларни топиш ва имкони борича тезроқ барта-раф этишдир.

Кунингизни муаммоларни ҳал этиш ҳамда чекловлардан халос бўлиш билан бошлиш сизга қувват ва ғайрат беради. Бу эса сизни ўз вазифаларингизни бажариш ва ниҳоясига етказишга ундаиди. Асло унумаслик шарт бўлган бир нарса бор: тез-тез асосий тўсиқлар ва чекловчи омиллардан халос бўлиб туриш сиз ютишингиз керак бўлган энг йирик курбақадир.

Қурбақани паққос туширинг!



1. Бугун ҳаётингиз учун энг аҳамиятли мақсадингизни аниқланг. У нима? Қандай мақсадга эришиш ҳаётингизни тубдан ижобий тарафга ўзгартиради? Қандай ишни якунлаш карьеерангизга аъло даражада таъсир кўрсатади?

2. Ушбу мақсадингизга эришишга тўсқинлик қилувчи ички ёки ташки бирорта чекловни аниқланг. Савол беринг: Нима учун мақсадимга ҳамон етмаяпман? Мени нима ушлаб турибди?” Жавобларни топганингиз заҳоти ишга киришинг. Нима бўлса ҳам қилинг. Нималигини аҳамиятий йўқ, бошласангиз бас.

14-БОБ**Масъулиятни ўз зиммангизга олинг**

Муваффақиятнинг бош шарти жисмоний ва ақлий қобилиятларингиз ёрдамида бирор муаммони у сизни толиктирмасдан бурун ҳал қилишидири

Томас Эдисон

Ўз орзусидаги инсонга айланиши учун кимдир рухлантиришини кутаётган одамлар дунёда кўп. Аммо “ёрдамга ҳеч ким келмайди.”

Бундай одамлар автобус юрмайдиган йўлда туриб олиб уни кутаётган йўловчига ўхшайди. Улар ўзлари масъулиятни елкаларига олишмаса, охир-оқибат умрлари кутиши билан ўтиб кетади. Афсуски, кўпчилик ҳамон кутмоқда.

Одамларнинг бор йўғи 2 фоизигина ўзганинг назоратисиз ишлай олади. Биз уларни “лидерлар” деб атаемиз. Сиз орзу қилган инсон тоифаси шу эмасми? Улар қаторидан жой олиш ёки олмасликни ўзингиз ҳал қиласиз.

Тўлиқ ички салоҳиятингизга эришиш учун жавобгарликни ўз зиммангизга олиш ва бошқа бирор келиб сиз учун нимадир қилиб беришини кутиб ўтирмасликка одатланишингиз зарур. Ўз “курбакаларингиз”ни ажратиб олишингиз ҳамда уларни муҳимлик даражасига қараб навбат билан тановул қилишингиз лозим.

Соҳа етакчиси бўлинг

Ўзингизни бошқалар учун намуна сифатида кўринг. Ўзингизга талабчанликни оширинг. Қилаётган ишингиз учун бошқалар сизга белгилайдиган стандартдан юкорирогини кўйиб олинг.

Ўзингиз билан бироз эртароқ уйғониш, қаттиқроқ ишлаш ҳамда сал кечрок ухлаш каби ўйинлар ўйнанг. Доим сизга тўланадигандан ҳам кўпроқ ишни бажариш учун кўшимча нимадир қилиш йўлларини изланг.

Ўз қадр-кимматингиз, шахсиятингиз асосини психолог Натаниел Брандон “обрўйингиз ўзингиз билан” деб таърифлайди.

Қилаётган ҳар бир ишингиз обрўйингизни оширади ёхуд

аксинча. Қувонарлиси эса, хар сафар ўзингизни энг яхши-сига ундағанингизда кайфиятингиз кўтарилиб бораверади. Оддий одамлар таслим бўладиган пайтда сиз олға бораверсангиз, ўз баҳонгизни ошириб оласиз.

Ўзингизга муддат белгиланг

Кейинга қолдириш иллатидан халос бўлишнинг энг яхши усулларидан бири таътилга бир кун қолгандек энг муҳим ишларингизни битказиб олиш учун тер тўкишдир.

Тасаввур қилинг, ҳозиргина эртага шахрингизни бир ойга тарк етишингиз ҳакида фавқулодда хабар олдингиз. Бир ой муддат бўлмасангиз, кетишдан олдин якунлашингиз шарт бўлган иш қайси? Қандай вазифа бўлмасин, ҳозироқ ўша ишга киришинг. Бу саволни ўзингизга ҳар куни беринг.

Ўзингизни харакатта ундаш йўлларидан яна бири шундай: Тасаввур қилинг, ҳозиргина ажойиб курортлардан бирига барча харажатлари қопланган бир ҳафталик таътилга йўлланмани совға қилишди. Аммо эртага тонгда жўнаб кетмасангиз, совгадан куруқ қоласиз. Таътилда хотиржам дам олишингиз учун жўнашдан аввал қайси вазифани тугатишингиз керак? У нима бўлса ҳам дарҳол қилишга киришинг.

Муваффакиятли одамлар юқори мартабага кўтарилиш масъулиятини мудом ўз елкаларига оладилар. Омадсизлар эса ўзларини бошқаларнинг кўрсатмаси ва назорати остида бўлишлари керак, деб хисоблашади.

Жавобгарликни ўз бўйнингизга олиш орқали сиз вазифаларни яхшироқ ва ҳатто муддатидан аввалроқ якунлайсиз.

Натижада, самарадор ва омадли инсонга айланниб қолганингиздан ўзингиз ҳайратга тушасиз. Аста-секин ҳар бир вазифани ниҳоясига етказишини одатга айлантирасиз. Бу одат эса сизга бир умр хизмат қиласи.



Қурбақани паққос тушир!

1. Ҳар битта иш ёки топширикни тугатиш учун босқичли ва умумий муддатларни белгиланг. Шахсий “мажбурлаш усулингиз”ни яратинг.
2. Ўзингизга талабчанликни оширинг ва қийинчилик лардан қочишига уринманг. Ўзингизга муддат кўйиб бир мартада унга етиб олишга ва ҳатто ўзиб кетишига ҳаракат қилинг.
3. Муҳим ишни ёки проектни бошлашдан аввал ҳар бир босқични ёзib чиқинг. Ҳар бир босқични яқунлаш сиздан неча дақиқа ёки соат талаб қилишини ҳисобланг. Кейин ҳисобингиздаги вақтга қарши чиқинг. Ўз муддатларингиз билан жангга киришинг. Ҳаммасини бир ўйиндек бажаринг, ва албатта, ғолибликни қасд қилинг!

15-БОБ

Ички қувватингизни имкон қадар оширинг

Бор имкониятинг, иқтидорингни бирлаштир. Бутун қувватингни тўпла. Ҳеч қурса, битта соҳа устаси бўлишига уриниб кўр.

Жон Хаггау

Сизнинг фаолиятингиз ва иш унумдорлигинги жартий берадиган хомашё жисмоний, ақлий ҳамда руҳий қувватингиздир.

Тиникиб хордиқ чиқаргач самарадорлигинги чарчоқ ҳолатингизга нисбатан икки, уч, ҳаттоқи беш бараваргача ошади.

Танангиз ҳам бир машина каби овқат, сув ҳамда ҳордиқ олишдан энергия йигади. Бу энергияни эса сиз иш ва ҳаётингиз учун муҳим бўлган вазифаларга сарфлайсиз.

Қувноқ ва серғайрат бўлишнинг асосий шартларидан бири ҳамиша ўз энергиянгизни бир маромда сақлаб, уни назорат қилиб туришдир.

Меъёрдан ортиқ ишлаш иш унумини ўлдиради

Маълумки, сизнинг унумдорлигинги саккиз ёки тўққиз соатлик ишдан кейин беихтиёр пасаяди. Шу боис қанчалик зарур бўлмасин, туни билан ишлаш кўп вақтингиз самарасиз ўтишига сабаб бўлади. Қанчалик ҳолдан тойсангиз, ишингиз сифати ҳам ёмонлашиб боради ва хатоларингиз кўпаяверади. Содда қилиб айтганда, батареянгиз ўтириб қолгандек ўчасиз ва давом эттиришга қурбингиз етмай қолади.

Маромингизда ишланг

Кун давомида ўзингизни ғайратли ҳис қиласидиган муайян вақтлар бўлади. Улар айнан қайси пайтлар эканлигини билиб олинг. Сўнг ана ўша вақтда энг муҳим ва қийин топширикларни бажаринг.

Кўпчилик эрта тонгда тунги мароқли уйқудан кейин қувватга тўлиб туради. Баъзи одамлар куннинг иккинчи ярмида фаолроқ бўлишади. Кечқурун ёки ярим тунга бориб

нихоятда ижодий ва маҳсулдорга айланадиган инсонлар ҳам етарлича топилади.

Ишдаги сусткашликка асосий сабаблардан бири толиқиши ёки чарчоқ ҳолатида бирор нарса қилишга уринидир. Сизда на куч, на қизиқиши бўлади. Совиб олган моторга ўхшаб ўзингизни ишга тушириб кетолмайсиз.

Нихоятда чарчаган, аммо оз вақтда талай иш қилишга уринаётган захотингиз тўхтанг ва шунчаки ўзингизга айтинг: “Кўлимдан келадигани шу.”

Баъзида вақтдан унумли фойдаланишининг энг маъкули уйга эртароқ бориб, эртароқ ётиш ва 10 соатлик уйкуга кетишдир. Шу орқали сиз бутунлай қайта қувватга кирасиз ва эртанги кун учун икки-уч марта кўпроқ энергия йиғасиз. Ишларингиз сифати туни билан ишлагандан кўра кўпроқ ортади.

Етарлича ухланг

Тадқиқотларга кўра, аксарият америкаликлар қилаётган ишлари ҳажмига нисбатан етарлича ухламайди. Миллионлаб америкаликлар жуда кам ухлаб, кўп ишлайтгани оқибатида иш вақтида аклий ланжлик ҳолатига тушиб қолишимоқда.

Ҳафта давомида килишингиз мумкин бўлган энг доно ишлардан бири ҳар куни соат ўнгача телевизорни ўчириб уйкуга кетишдир. Баъзан бир оқшомдаги кўшимча бир соат уйку кейинги ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

Куйида сиз учун бир вазифа бераман: Ҳафтанинг сиз ишламайдиган бир кунини олинг. Ўша куни хоҳ шанба бўлсин, хоҳ якшанба, нимадир ўкишдан, ёзишмаларни тозалашдан, идорадан бирор нарса олиб келишдан, умуман миянгизни ишлатишга мажбур киладиган ҳамма нарсадан юз ўгиринг. Бунинг ўрнига эса кинога ёки фитнесга боришингиз, вақтингизни оиласиз билан ўтказишингиз ёки сайрга чиқишингиз мумкин. Шу орқали миянгизга ўз қувватини бутунлай тиклашга ёрдам берасиз. “Ўзгариш дам олишдек яхши” деб тўғри айтишган.

Ҳар йили мунтазам таътилга чиқиб туринг. Узоқ муддатли ёки бир икки ҳафталик танаффус дам олиш ҳамда ёша-

ришга хизмат қилади. Сиз мароқли ҳордик ва таътилдан ке-йин ниҳоятда унумдор ишлайсиз.

Бир ҳафтада беш кун эртароқ ётиш, дам олиш кунлари кўпроқ ухлаш ҳамда бир кун барча ишлардан воз кечиш сизга узоқ муддатли энергияни кафолатлади. Бу қўшимча энергия сизга ортга сурниш одатини енгиш, зарур топширикларни тезрок ва сифатлироқ бажаришга ёрдам беради.

Софлиғингизни асраниг

Кўпроқ дам олиш ҳамда энергиянгизни юқори дара-жада сақлаб туриш билан бирга нима ёётганингизга ҳам эътиборли бўлинг. Кунингизни оқсилга бой, ёғ ва углеводи оз нонушта билан бошланг. Тушлик учун салат билан бирга балиқ ва жўжа гўштидан тановул қилинг. Шакар, туз, оқ ун маҳсулотлари ҳамда десерtlарни истеъмол қилманг. Газли ичимликлар, шоколад бўлаклари ва ҳамирли овқатлардан тийилинг. Худди жаҳон чемпионатига кетаётган атлетдек овқатланинг. Зеро, кўп жихатдан бу сизнинг кунлик ишларингизни бошлашдан олдинги ҳолатингизга ўхшайди.

Ҳафтасига 200 дақиқалик бадантарбия машқларини бажариш меъёрий даражадаги фитнесга тенг. Бу кунига 30 дақиқага тўғри келади ва бунга ишдан олдин ёки кейинги сайр, кун давомидаги кисқа бадантарбия машқлари орқали эришиш мумкин.

Сиз сузишга боришингиз, жихозларидан фойдаланингиз ёки бошқа исталган спорт билан шуғулланингиз мумкин, асосийси, худди бизнес келишувга амал қилгандек бадантарбия қилишни ҳам кунлик одатингизга айлантиринг.

Меъёрида ва соғлом овқатланиш, доимий машқлар ва кўпроқ ҳордик чиқариш орқали сиз кўпроқ ва яхшироқ, аввалгидан кўра осон ҳамда қониқиш билан ишлайсиз.

Ишни бошлаётганингизда ўзингизни қанчалик яхши ҳис қилсангиз, сусткашликни шунчалик камайтирасиз ҳамда ишга тезрок киришишга, ҳатто бошқа топширикларни ҳам бажаришга интиласиз. Юқори энергия нима иш қилингиздан қатъи назар, самарадорликнинг юқори даражаси, кўпроқ шодлик ва муваффақиятнинг ажралмас бўлагидир.



Қурбақани паққос тушир!

1. Айни пайтда ўзингиздаги энергия даражасини текширинг ҳамда уни қунлик соғлом одатларингиз билан солиштиринг. Бугун соғлигингиз ва энергиянгизни оширишга хизмат қиладиган қуидаги саволларга жавоб беринг:

a) Жисмоний фаолигимни ошириши учун күпроқ нима қилишим керак?

б) Нима қилишини камайтишишим керак?
в) Ўзимни кўрсатишими учун шу пайтгача қилишим керак бўлган қандай ишни ҳануз қилмаяпман?

г) Айни пайтда йўқотишими керак бўлган қайси одатларим соглигимга ёмон таъсир қилянти?

2. Умумий соғлигингиз ва энергиянгизни дархол яхши тарафга ўзгартирадиган бирор бир хатти-ҳаракат ёки машғулотни танланг. Уни одатта айланниб қолгунча яна ва яна тақорланг. Сўнг иккинчи бир ҳаракатни танланг ва уни ҳам одатта айлантиришга киришинг.

3. Юқоридаги саволларга жавобингиз қандай бўлмасин бугунданоқ ҳаракатни бошланг.

16-БОБ**Ўзингизни ҳаракат қилишга қизиқтиринг**

Инсон олий даражадаги роҳатни қизиқарли саргузаштга, галаба ва яратувчаникка бўлган кучли иштиёқда топади.

Антуан де Цент Экзюпери

Энг яхши натижа кўрсатишингиз учун ўзингизга мотиватор бўлишингиз керак. Ўйинда энг яхши натижани қайд этиш учун мустақил шуғулланиш ва ўзингизни рухлантиришга одатланишингиз зарур.

Эмоцияларингизнинг ижобий ёки салбий эканлиги хардақиқа ўзингиз билан қай тарзда сухбатлашишингизга боғлиқ. Ҳаётингизда нима содир бўлаётгани эмас, балки ўша содир бўлаётган ҳодисаларни қандай талқин қилишингиз ҳис-туйгуларингизни шакллантиради. Воқеа-ҳодисалар сизни рухлантириши ёки тушқунликка солиши, энергия бериши ёки қувватсизлантиришини сиз уларни қандай қабул қилишингиз белгилаб беради.

Ўзингизда серғайратликни саклаб туришингиз учун буткул оптимист бўлишга қарор қилишингиз керак. Атрофинингиздаги одамларнинг сўzlари, ҳаракатлари ва реакцияларига ижобий муносабатда бўлишга аҳд қилишингиз зарур. Кундалик ҳаётнинг муқаррар қийинчиликлари ва муаммолари сизнинг кайфиятингиз ёки ҳиссиётингизга таъсир қилишига йўл кўйманг.

Ички мулоқотингизни назорат қилинг

Ўзингизни қадрлаш даражангиз, ўзингизни қанчалик яхши кўришингиз ва ҳурмат қилишингиз сизнинг кўтарилик ва қатъиятлилик даражангиз учун мухим омиллар. Ўз қадрингизни яхшилаш учун ўзингиз билан доимо ижобий сухбат қуриб туринг. Ўзингиз ишониб, ўзингизни ишchan инсонлардек тувишни бошламагунингизча “Мен ўзимни қадрлайман! Мен ўзимни қадрлайман!” каби ибораларни бот-бот такрорлаб туринг.

Ўзингизни ғайратли қилиш, кўнглингиздаги шубха ва қўрқувни енгиш учун ўзингизга доимий равища “Мен буни қила оламан! Мен буни қила оламан!” деб уқтириб туринг.

Одамлар ҳол сүраганда “Зўрман” деб жавоб беринг.

Айни дамда ўзингизни қандай ҳис этаётганингиздан ёки ҳаётингизда нималар содир бўлаётганидан қатъи назар, қувноқ ва тетик бўлиб қолишга аҳд килинг. Виктор Франкл ўзининг бестселлери “Логотерапия“ деб номланган китобида шундай ёзган эди: “Инсониятнинг охирги энг буюк эркинлиги ҳар қандай ташки ҳолатга нисбатан ўз муносабатини белгилай олишидир.“

Муаммоларингиз ҳақида шикоят қиласкерманг. Уларни ичингизда сакланг. Нотиқ ва юморист Эд Форман айтганидек: “Ҳеч қачон муаммоларингизни бошқалар билан баҳам кўрманг, чунки одамларнинг 80 фоизи барибир уларга эътибор бермайди, қолган 20 фоизи эса сиз уларни биринчи ўринга қўйганингиздан хурсанд бўлади.“

Ижобий ментал муносабатни шакллантиринг

Мартин Селигманнинг Пенсиљвания университетидаги 22 йиллик изланишларидан сўнг “Одат бўлиб қолган некбинлик“ китобида хулоса қилишича, “некбинлик“ (оптимистлик) шахсий ва профессионал муваффақият ва баҳт энг муҳим фазилатдир. Некбин инсонлар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида самарали фаолият кўрсатишади.

Маълум бўлишича, некбинлар амалиёт ва такрорлаш орқали тарбиялаш мумкин бўлган тўрт фазилатга эга.

Биринчидан, улар ҳар қандай вазиятдан яхшилик излайдилар; нимаики содир бўлмасин, вазиятдан ижобий ёки фойдали бирор нима қидирадилар. Табиийки, топадилар ҳам.

Иккинчидан, некбин инсонлар ҳар қандай муваффақиятсизлик ёки қийинчиликдан доимо қимматли сабоқ чиқардилар. Улар ишонадиларки, қийинчиликлар йўлимиздаги ғов эмас, балки бизни йўналтириш учун пайдо бўлади. Улар ҳар бир муваффақиятсизлик ёки тўсикларда ўрганиш мумкин бўлган қимматли сабоқ бор, деб ишонадилар ва уни топишга интиладилар.

Учинчидан, некбинлар доим муаммога ечим излашади. Вазият ёмонлашганда нолиш ва айблаш ўрнига ҳаракатга ургу беришади. Улар “Буни қандай ечиш мумкин? Энди

нимада қилишимиз керак? Кейинги қадам қандай бўлади?“ каби саволларни кўйишади.

Тўртинчидан, некбинлар доимо ўз мақсадлари ҳақида ўйлаб, шу ҳақида сухбатлашадилар.


Кўпинча, улар ўз истаклари ва унга қандай эришиш ҳақида ўйлашади. Улар ўтмиш ва келган жойларидан кўра кўпроқ келажак ҳақида ва қай томон йўл олганликлари ҳақида ўйлаб сухбат куришади. Улар ҳар доим ортга эмас, балки олдинга назар солишинади.

Ўз мақсад ва идеалларингизни доимо тасаввур қилишда ва ўзингиз билан ижобий тарзда сухбатлашган пайт кўпроқ концентрация ва энергияни ҳис қиласиз.

Ўзингизни янада ўзига ишонган ва яратувчан ҳис этасиз. Ўзингизни назорат қила олишингизни ва шахсий кувватни ҳис этасиз.

Ўзингизни қанчалик ижобий ва ғайратли ҳис қиласангиз, ишни бошлашга шунчалик иштиёқманд ва уни давом эттиришга иродада туясиз.

Қурбақани паққос туширинг!



1. Фикрларингизни назорат қилинг. Ёдда тутингки, сизнинг қандай ўйлашингиз ҳамма вақт сизнинг ким эканлигинизни белгилаб беради. Ўзингиз истамаган нарсалар ҳақида эмас, балки ўзингиз истаган нарсалар ҳақида ўйлаётганингиз ва сухбатлашаётганингизга ишонч ҳосил қилинг.

2. Ўзингиз учун ва сиз билан содир бўладиган барча воеалар учун тўлиқ масъулиятни ўз зиммангизга олиб, ижобий фикрлашни саклаб қолинг. Бошқаларни танқид қилманг, улар устидан шикоят қилманг ёки айбламанг. Баҳона топишдан кўра ривожланишга аҳд қилинг. Ўй-хаёлларингиз ва энергиянгизни айни дамда ҳаётингизни яхшилаш учун қила олишингиз мумкин бўлган нарсаларга йўналтиринг ва қолганини унутинг.

17-БОБ

Вақт кемириувчи технологиядан халос бўлинг!
Ҳаётни тезлаштиришидан кўра бошқа муҳим ишлар ҳам бор.

Маҳатма Ганди

Технология сизнинг энг яхши дўстингиз ёки энг ғаддор ёвингиз бўлиши мумкин. Биз ахборот билан астойдил бом-баланган XXI асрга қадам кўяр эканмиз, аксарият одамлар шахсий ва касбий ҳаётидаги инсонлар билан доимий ва уз-луксиз алоқа қилиш учун эҳтиёжлари чандон ортиб бораёт-гандек.

Коммуникацияга бўлган бу барқарор кучли хоҳиш сабабли мобил телефонлар, Blackberryлар, шахсий ракамли ёрдамчилар, симсиз ва симли интернет ва контактларни бошқариш тизимлари - Microsoft Outlook, Maximizer кабиларга эҳтиёж ўсмоқда улар эса инсонни руҳий жиҳатдан бўғиб қўйишига қодир. Бундай инсонларда бироз тин олиб, атиргул хидлаб, ўз фикрларини жамлашга ҳам вақт топилмайди.

Сизда танлов бор

Куч-қувватга тўлган, меҳнаткаш ва юқори самарадор, коммуникация технологияларининг қоқ марказида фаолият кўрсата туриб ҳам технологияларга ўралашиб қолмаган инсонлар оз эмас. Ана шундай инсонлар ўз ҳаётининг кўпроқ кисмини назорат қилишга қодир.

600 миллиард доллардан ортиқроқ қийматдаги доимий даромад фондлари ва қимматбаҳо қоғозлар бошқарувчиси Билл Гросс технологиядан деярли фойдаланмайди. Мунтазам жисмоний машқлар ва диққатини жамлаш учун медитация билан шуғулланади.

У барча уяли алоқа воситаларини ўчириб, Blackberry коммуникаторини офисида қолдиради ва одамларнинг бе-зовта қилишларисиз кундалик ишига равона бўлади. У шуни ҳам таъкидлайдики, у ҳеч қачон муҳим хабарларни ўтказиб юбормайди.

Ўзингизни хотиржам, фикри тиниқ ва энг яхши натижа кўрсата оладиган инсондек ҳис қилишингиз учун сизни

ишғол этиши мумкин бўлган технологиялар ва коммуникация курилмаларидан узокроқ туринг.

Технологияга қарам бўлиб қолманг

Яқинда Вашингтонда бир қатор олий мақом раҳбарлар билан бизнес тушликда катнашдим. Тушлик бошланишидан олдин ташкилотчилардан бири ўрнидан турди ва қисқагина дуо ўқиди. Ҳамма бошини эгиб олган эди. Дуо тугагач тушлик бошланди. Аммо менинг столим ёнида саккиз кишидан тўрт ёки бештаси тушликдан олдин қилинган дуодан жуда қаттиқ таъсирангандек ўтиришарди. Дастурхонга таом тортилди ҳамки, уларнинг қўллари ҳамон тиззаларида, бошларини қўйи солган қўйи ўтирас эдилар. Уларнинг ҳар бири бугунги куннинг ўткир саволлари устида чукур мулоҳаза килаётгандек эди гўё.

Кейин билсам, улар умуман ибодат қилмаётган экан. Уларнинг ҳар бири ўзининг BlackBerryларига тикилганча, email хабарларини юбориш ва қабул қилиш билан банд эди. Видео ўйин ўйнаб ўтирган жазавага тушган ўспиринлар сингари кичкина клавиатураларида ишлаб ўтиришар эди. Уларнинг барчаси хабар жўнатиб ва қабул қилиб ўтирас, бутун дунёни унугланган, ҳаттоқи баъзилари бир хонада туриб ҳам ўзаро ёзишиб ўтиради. Улар технологик тузокка тушиб қолишганди. Гўёки маълумотлар оқувчи лиқ тўла чукур раковинага чўкаётган эдилар.

Технология дўстdir

Замонавий технологияларнинг мақсади маълумотни узатиш тезлиги, самарадорлиги ва аниқлигини оширишдир.

Технология бизга олдимизга қўйилган асосий вазифаларни бажариш ва муҳим одамлар билан ҳар қачонгидан ҳам тезроқ ҳамда самаралироқ мулоқот қилиш, ҳаётимиз сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Бироқ коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўп ўтмай қарамликка ҳам айланиши мумкин. Инсонлар эрта тонгдан уяли телефонларига қўнғироқлар ёки овозли почта хабарлари келган-келмаганини текширади. Кейин улар ўз электрон почталарини титкилаш учун компьютер-

ларига ошиқадилар. Кейин эса сўнгги бир неча соат ичидан кимдир улар билиши зарур бўлган бирор нарса қилгани ёки айттанини аниқлаш учун оғисга қўнғироқ қиласидилар. Улар ниманидир ўтказиб юбормаётгандиларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида ўзларининг Microsoft Outlookларини, шахсий рақамли ёрдамчиларини, BlackBerryларини ва ҳар беш-олти дақиқада ишлатадиган алоқа технологияларининг ҳар қандай турини текшириб турадилар. Бу ҳолатни назоратдан чиқиб кетмасидан бурун тўхтатиш зарур.

Вақтингизни қайтариб олинг

Мижозларимдан бирининг 19 та штатда дистрибуторлари бўлиб, кунига бир неча соат email хабарлар қабул қиласа уларга жавоб берар эди. Шу туфайли у ўзини компьютерга қарам деб хисоблар эди. У компьютерида канча кўп вақт ўтказса, бошқа вазифаларига шунча оз вақт ортарди. Қоруюмидек кўпайиб бораётган бу вазифалар юки энди унинг ўзлигига, соғлиғи ва уйқусига ҳам таъсирини ўтказа бошлади.

“Курбақани пақкос туширинг!” методидан фойдаланиб, биз унга 80/20 қоидаси ва уни email хабарлар билан қандай ишлатиш мумкинлигини ўргатдик. Сизга келадиган email хабарларнинг 80 фоизи қийматга эга эмас, ҳаттоқи очиб кўриш ҳам шарт эмас. Улар дарров ўчирилиши керак.

Қолган 20 фоизнинг 20 фоизи, яъни барча умумий хабарларнинг 4 фоизи ҳақиқатдан кечиктирмай жавоб беришини талаб қиласиди. Қолган 16 фоизи эса вақтингизча эътиборсиз қолдирилиши ёки вақт бўлганда кўриб чиқиши мумкин бўлган маҳсус папкага ўтказиб қўйилиши мумкин.

Стандартлаштиринг ва бошқаларга иш топширинг

Мижозим ўзига кунлик 300 дан ортиқ келадиган email хабарларини саралаб чиқа оладиган одам йўқ, шу сабабли канча вақт олмасин буни шахсан бажаришга мажбурман, деб ўйларди. Биз уни котибаси билан ўтириб email хабарларнинг муҳим ва номухимларини саралашга ва унга умумий сўровларга қандай жавоб беришни ўрганишга унгадик.

Икки соатда унинг котибаси email хабарларни қандай

сарамжонлашни етарлича билиб олган эди. Шундан бўён у ҳар куни иш бошлангач номуҳим email хабарларининг 80 фоизини ўчириб ташлайди.

У раҳбари шахсан кўриши керак бўлган муҳим email хабарларни алоҳида папкага жойлади. Агар хабарда саволлар бўлса, раҳбари ўзига қулай вактда кўриб чиқиши учун уларни бошқа бир маҳсус папкаларга ўтказиб қўяр эди.

Кейинги учрашувимизда мижозим менга ушбу оддий машқнинг қанча вактни тежашини ўрганганини ва ҳозир хафтасига 23 соат вактини тежаб қолаётганини ҳамда бу вактни у ўз “курбақаларини ейишга” ва ўзининг энг муҳим ишларига ажратадиганини айтди.

Ана шу оддийгина машқ унинг ҳаётини ўзгартириб, ишдаги босимни камайтирган, соглиқ ва қувватини тиклаб, уни янада хотиржам ва позитив инсонга айлантирган эди.

Шу жойида сизга савол: “Агар сизда фикрлашга, режа қилишга, асосий ҳамкаслар билан суҳбат қуришга ёхуд хаттоки турмуш ўртоғингиз билан сайдига чиқишга ҳафтасига кўшимча 23 соат вақтингиз бўлганида ҳаётингиз қанчалик ўзгарар эди?”

Қулликка йўқ денг!

“Fortune” журналининг бир журналисти яқинда ёзишича, икки ҳафталик таътилидан сўнг оғисига қайтиб келгач қарасаки, 700 дан ортиқ email хабарлар уни кутиб турган эди. У яхши билардиди, буларнинг ҳаммасини кўриб чиқиши учун 1 ҳафта кетар, бу вақт давомида у лойиҳалар билан шуғулланишга имкони бўлмай қолар эди.

Email билан ишлаб у биринчи марта чукур нафас олди-да, “Барчасини ўчириш” тугмасини босди – 700 та хабар ўчди-кетди. Сўнгра ўрнидан туриб, ўзи ва компанияси учун чиндан-да муҳим лойиҳаларга уннаб кетди.

У буни оддий қилиб тушунтиради: “Мен тушундимки, кимнингдир менга шунчаки хабар жўнатгани унга менинг ҳаётимнинг бир қисмига эга бўлишга хукуқ бермайди, яъни мен унга ҳозир ёки қачондир жавоб ёзишга мажбур эмасман. Қолаверса, ўйладимки, агар хабар чиндан-да муҳим бўлганида жўнатувчи уни менга қайта юборарди.”

Хўжайин эмас, хизматкор

Шахсий ҳаётингиз ёки бизнесингизни ўзгариши мумкин бўлган баъзи нарсаларга диққат қарат олишингиз учун техникага хўжайин эмас, балки хизматкор деб қаранг. Техника сизга халакит бериш учун эмас, кўмак бериш учун мавжуд. Техникадан кўзланган мақсад ишни мураккаблаштириш, чигаллаштириш ва босим ҳосил қилиш эмас, балки юмушингизни янада равон ва янада осон қилишдир.

Вақт, инсонлар ва техника билан муомала қилишда энг яхши қоидалардан бири шунчаки ўз ҳолига ташлаб қўйишдир. Тонгда уйғонишингиз билан коммуникация қурилмаларингизни ёқишига бўлган истагингизни жиловланг. Радио ҳам, телевизор ҳам ўчиқ турсин. Уяли телефонингиз ҳам. Кунингизни режалагунча компьютерни ҳам ёқманг. Аста-секин ҳаётингизнинг сукунат ҳудудини яратинг. Унга ҳеч ким ва ҳеч нима ёриб кира олмасин. Ўзингизни тийишга мажбур қилиб, ички хотиржамликни сақлаб туринг ва сукунатга кулоқ тутинг.

Баъзида қиймати баландроқ бўлган ишларни бажариш учун қиймати пастроқ бўлган ишлардан қўл тортишга мажбурсиз. Ўзингизга савол беринг: “Бу ерда нима муҳим?” Ишда муваффакият қозонишингиз учун сизга нима муҳим? Шахсий ҳаётингизда нима муҳим? Бажаришингиз мумкин бўлган ишлардан бир ёки иккитасини танлай олишингиз мумкин бўлганида қайси бирини танлайсиз?

Узлуксиз алоқа доим ҳам муҳим эмас

Эсингизда тутингки, бир кун, бир ҳафта ёхуд бир ойга таътилга ёки иш юзасидан сафарга кетиб, алоқа қурилмаларингизни қолдириб кетсангиз ҳеч бало қилмайди. Олам сиз у билан доимий алоқада бўласизми ёки йўқ ўз ўки атрофида айланаверади. Муаммолар ҳал бўлаверади, жавоблар топилаверади, ҳаёт эса кекса дарёдек оқаверади. Ҳаётда жуда оз муҳим нарсалар борки, улар кутиб турмайди.

Семинарларимда мендан бот-бот сўрашади: “Газета ўқиб, радио тинглаб ва телевизор томоша қилиб, янгиликлардан боҳабар бўлиб туриш керак эмасми?”

Мен уларга шундай дейман: “Агар жуда муҳим янгилик

бўлса, кимдир сизга албатта етказади”. Агар ҳаётингизда, мамлакатингизда ёки дунёда бирор муҳим воқеа юз берса, бошқа бирор сиз учун янгиликларни пойлаб соатлаб ўтириши мумкин ва улар одатда дастлабки имкон туғилган заҳоти сизга хабар беришади.


Аксарият одамлар газета ўқимайди, телевизорда янгиликлар дастурини кўрмайди ва радио тингламайди. Шуниси ажабланарлики, улар энг муҳим ҳодисалар ҳақида бехабар қолишмайди.

Уларни кимдир доим хабардор қилиб туради. Сиз ҳам худди шундай қилишингиз лозим.

Қурбақани паққос туширинг!

1. Кундалик фаолиятингизда “сукунат ҳудуди”ни ҳосил қилинг. Барча алоқа қурилмаларини тонгда бир соатга ва тушлик вақти бир соатга ўчириб туринг. Самарасини кўриб ҳайратда қоласиз: Ҳеч нарса бўлмайди!

2. Ҳафтада бир кунни компьютер ва Blackberry қурилмангиздан, умуман, техникадан дам олиш куни қилинг. Куннинг охирида овозли алоқаларни ҳисобга олмагандা бошқа алоқаларсиз онгингиз сув каби сокин ва тиник бўлиб қолади. Ментал батерейларингизни қайта қувватлантириб, техниканинг мунтазам ҳалақит беришидан кутулиб сиз янада хотиржам ва хушёр инсонга айланасиз.



18-БОБ

Вазифаларни қисмларга ажратиб олинг

Одатланиши күрингес итга ўхшайды, лекин у ўйларимиз ва хатти-харакатларимизни бошқарадиган бўлгунича биз бир ишни мунтазам тақоролаймиз, шу аснода бу итни янада мустаҳкамлаймиз, унга янги тола қўшамиз, узилмас арқонга айлантирамиз.

Орисон Суэт Марден

Катта ва муҳим топшириқларни бажаришни ортга суришнинг энг кўп тарқалган сабаби сизга улар аввалига жуда оғир ва кўрқинчли бўлиб туюлади.

Кўп ишни камайтиришда қўллашингиз мумкин бўлган бир усул – “Дудланган колбаса бўлаги” методи.

Ушбу метод ёрдамида сиз ишни батафсил баён қиласиз ва кейин дудланган колбасанинг бир бўлагини еган каби ишнинг бир бўлагини бажаришга киришасиз. Ёхуд катта филдан бир тишлам еган каби.

Психологик жиҳатдан, лойиҳани бирдан бошлагандан кўра унинг кичикроқ бир қисмини бажариш осонроқ туюлади.

Аксар ҳолларда ишнинг маълум бир қисмини бошлаб тугатишингиз билан яна бир “бўлак”ни хоҳлаб қоласиз.

Кўп ўтмай сиз ишни қисмма-қисм бажараётганингизни англайсиз ва бу вактда иш якунига етиб қолган бўлади.

Ишни якунлашга мажбурлик ҳиссини шакллантиринг

Сизнинг ботинингизда ишни “битиришга ундаш” ҳисси ёхуд “якунлашга мажбурлик” ҳисси дея аташ мумкин бўлган туйғу борлигини ёдда тутиш лозим.

Бу туйғу ҳар қандай ишни бошлаб охирига етказгизидан завқланишингиз ва ўзингизни тетик ҳис қилишингизда намоён бўлади. Сиз шу билан ишни якунлашга бўлган чукур маънавий эҳтиёжни қондирасиз.

Бу туйғу сизни кейинги вазифа ёки лойиҳани бошлашга ва охиригача якунлашга руҳлантиради. Ишни охиригача ет-

казиш биз айтганимиз эндорфинларнинг миянгизда ишлаб чиқарилишини кўпайтиради.

Сиз тугатган вазифа қанчалик катта бўлса, шунчалик бардам ва янада хурсанд бўласиз. Сиз “ейдиган қурбака” қанчалик катта бўлса, шунчалик кучли шахсий қувват ва энергия оқимини бошдан кечирасиз.

Бирор ишнинг бир қисмини бошлаб, уни тугатгач кейинги қисмини бажаришга, ундан кейин яна бир қисмини ва шундай қилиб кейинги қисмларини бажаришга ғайратингиз ошиб бораверади.

Олдинга ташланган ҳар бир кичик қадам сизга энергия бағишилади. Кўп ўтмай сизда ҳар қандай ишни охирига етказишга руҳлантирадиган ички туртки шаклланади. Ишни якунлаш сизга шодлик ва муваффақиятга йўл очадиган қоникиши беради.

“Швейцария пишлоги” методи

Сизга аскатадиган яна бир усул “швейцарча пишлок” дейилади. Ушбу методдан муайян бир вазифани бажаришга йўл очиш учун фойдаланаисиз Буни пишлокдаги ғовакчаларга қиёсласа бўлади.

Агар сиз бирор вазифа билан маълум муддат шуғулланмоқчи бўлсангиз, ана шунда “швейцарча пишлок” методини кўллайсиз. Бу кисқа беш ёки ўн дақиқа давом этиши, сўнг тўхтаб бошқа ишни қилишингиз мумкин. Яъни қурбака-нгиздан бир тишилам ейсиз, кейин қолганини ёки бошқа иш киласиз.

Бу метод дудланган колбаса бўлаги методига ўхшаб кетади. Бу билан сиз ишни бошлишингиз биланоқ олдинга, ишни тугаллашга интилиш ҳиссини ривожлантирасиз. Қувват ва завқка тўласиз. Ич-ичингиздан ғайратингиз жўшиб, ишни охиригача битиришга чанкоқлик сезасиз.

Бирор бажаражак ишингиз жуда оғирдек туюлиб кетса, “Дудланган колбаса бўлаги” ёки “Швейцарча пишлок” методини синаб кўришингиз мумкин. Бу усуллар ишни нуқул ортга сураверишдан фориг бўлишингизда қанчалик иш беришини кўриб ҳайратда қоласиз.

Шундай дўстларим борки, улар ёзаётган китобини якун-

лагунча кунига атиги бир бет, ҳаттоки бир абзацдан ёзиб ҳам асарлари энг кўп сотилган муаллифлар қаторига кира олган. Сиз ҳам шундай қилишингиз мумкин.

Қурбақани пақкос туширинг!

1. Бу усуслардан бирини кутиб ўтирмай амалда қўлланг. Юрагингиз дов бермай ортга суриб юрганингиз, оғир, мураккаб юмушни танлаб олинг ва уни бошлаш учун “Дудланган колбаса бўлаги” ёхуд “Швецарча пишлок” методини қўлланг.
2. Ҳаракатга урғу беринг. Юқори самарадорликка эга одамларга хос фазилат шуки, улар яхши бир гоя эшитиб қолса, дарҳол уни амалда синааб кўришга уринади. Натижада, улар тезроқ ва кўпроқ нарса ўрганишади ва анчагина яхши натижаларни қайд этишади. Кечиктирманг! Бугуноқ синааб кўринг!

19-БОБ**Катта вақт бўлакларини ҳосил қилинг**

Бутун энергиянгизни муайян миқдордаги чекланган мақсадларга йўналтирганчалик ҳеч нарса ҳаётингизга қувват бермайди.

Нидо Кубейн

Ушбу стратегия сиздан оғир вазифалар устида қатъий белгиланган вақтларда ишлашни талаб қиласди. Сиз амалга оширадиган муҳим юмушларнинг аксариятини якунлаш узлуксиз вақт бўлакларини талаб қиласди. Сизнинг ушбу қимматли вақт бўлакларини ҳосил қила олишингиз касбий ва шахсий ҳаётингизга сезиларли ҳисса кўшишингизга ёрдам беради.

Омадли савдо ходимлари ҳар куни истиқболли мижозларга кўнғироқ қилиш учун алоҳида вақт ажратадилар. Улар ўзларига унчалик ёқимли бўлмаган вазифани ортга суриб ёки кечикириб юргандан кўра эрталабки соат 10 ва 11 ораглиғида кўнғироқлар билан машғул бўлишади. Ва ўзларини ана шу тартибга мослашишга мажбур қилишади.

Аксарият бизнес бошқарувчилар ҳар куни мижозлар билан боғланиб, фикр-мулоҳазалар қабул қилиш, кайта кўнғироқ қилиш ёки ёзишмаларга жавоб бериш учун алоҳида вақт ажратишади.

Кимdir жисмоний машқлар учун ҳар куни 30-60 дақика ажратади. Яна кимdir ҳар кеча уйқуга ётишдан аввал 15 дақиқа буюк асарларни ўқиши оdat қилган. Шу билан улар вақт ўтиб ўнлаб энг яхши асарларни ўқиб тутатади.

Вақтни жадвал асосида тақсимланг

Муайян вақт сегментлари асосида ишлаш методининг афзаллиги шундаки, бу билан сиз бутун кунингизни аввалидан режалай оласиз, хусусан, аниқ бир вазифа учун қатъий белгиланган вақт жадвалини ишлаб чиқа оласиз.

Гўё ўзингиз билан хизмат учрашувлари белгилагандек ўзингизни ўша “учрашув”га кечикмасликка мажбурлайсиз. 30, 60 ва 90 дақиқа вақт сегментларини ажратиб, муҳим вазифалар устида ишлаш ва уларни якунлашга интиласиз.

Аксарият самарадор ишловчи инсонлар юмушларини бутун кун учун аввалдан режаланган вақт жадвалига мувоғиқ бажаради. Бундай инсонлар асосий вазифаларни кетма-кет бажариш асосида битирадилар. Натижада, улар үртаса оддий инсонга қараганда икки карра, уч карра ва беш карра самарапироқ ишлашади.

Вақт режаловчидан фойдаланинг

Аввалдан кун, соат ва дақиқага бўлиб чиқилган вақт режаловчи шахсий унумдорлик учун энг кучли ёрдамчилардан бири бўлиши мумкин. У сизга ҳар бир вазифа учун ажратилидиган вақт бўлакларини белгилашга кўмак беради.

Иш вақтида сиз телефонни ўчирасиз, барча чалғитувчи нарсаларни йўқотасиз ва тўхтовсиз ишлайсиз. Эрта туриб, тонгда бир неча соат уйда ишлаш энг яхши одатлардандир. Гавжум, телефон қўнғироқлари бетиним бомбалайдиганофисдагидан кўра уйда уч баравар қўпроқ ишни бажаришингиз мумкин.

Ҳар дақиқани ҳисобга олинг

Иш юзасидан учар экансиз, парвоздан аввал юмушларингизни пухта режалаштириб, хатто самолётда ўз офисингизни яратинг. Самолёт кўтарилиганда бутун парвоз мобайнида тўхтовсиз ишлashingиз мумкин. Самолётда безовта қилишларсиз узлуксиз ишлаб талайгина ишни тугаллаб қўйганингиздан ҳайратда қоласиз.


Яхши натижа ва самарадорликнинг калитларидан бири – ҳар дақиқани ҳисобга олиш. Одатда, “вақт тухфаси” деб аталувчи саёҳат ва кўчиш фурсатларидан йирикроқ вазифаларнинг кичик бўлакларини бажариш учун фойдаланинг.

Эсланг, пирамидалар бир вақтда битта тош бўлагини кўйиш орқали бунёд қилинган. Буюк ҳаёт ва буюк карьера битта юмушга, ва кўпинча, юмушнинг бир қисмига қурилади. Юмушингизни пухта ва ўз вақтида бажара олишингиз учун вақт жадвалингизни тузиб олинг.

Курбақани паққос туширинг

1. Вактни тежаш, режалаш учун турли усуллар ҳакида доимо ўйлаб юринг. Режаланган вактдан анчагина муҳим, узок муддатли оқибатларга эга зарурий вазифаларни бажариш учун фойдаланинг.

2. Ҳар бир дақиқанинг хисобини қилинг. Ўз вазифанизни олдиндан режалаш ва тайёрланиш оркали бир маҳомда ва узлуксиз ишланг. Энг асосийси, ўзингиз масъул бўлган энг муҳим натижаларга эътиборингизни каратинг.



20-БОБ

Долзарблик хисини ривожлантиринг

Күтмәнг: “Фурсаты” деган нарса йүк. Қаерда бўлсангиз, ўша ердан бошланг. Кўлингизда қандай қурол бўлса, шу билан бошланг. Ундан яхшироғи йўл-йўлакай топилади.

Наполеон Хилл

Юкори самарадор эркак ёки аёлнинг сиртдан қараганда кўзга ташланган сифати ҳаракатчанлиқдир. Улар ўзларининг асосий вазифаларини бажаришга шошадилар.

Юкори самарадор инсонлар ўйлаш, режалаш ва устувор вазифаларни белгилаш учун вақтини қизғонмайди. Сўнг мақсад ва ниятларини рўёбга чиқариш учун ишга киришадилар. Улар баркарор, бир маромда ва доимий ишлайдилар. Натижада, бошқалар ўйин-кулгига, беҳуда ишлар ва муҳим бўлмаган вазифаларга совурадиган вақтни муҳим ишларини яқунлашга сарфлайдилар ва кўп нарсага улгурадилар.

“Оқим”да ишлаш

Энг муҳим юмушларингиз устида қаттиқ ва давомли ишлаганингизда “оқим” деб аталадиган ментал вазиятга тушган бўласиз. Бу вазиятни деярли ҳар бир одам маълум бир муддат бошдан кечирган. Ҳақиқий муваффакиятли кишилар бошқалардан кўра бу вазиятга ўзларини кўпроқ туширади.

Инсондаги юкори самарадор вазият бўлмиш ана шу “оқим” ҳолатида нимадир онг ва ҳис-туйғуларга мўъжизакор таъсири қиласиз.

Ўзингизни шод ва фикран тиниқ ҳис қиласиз. Қилаётган ишларингиз енгил ва силлиқ туюлади. Ўзингизни хурсанд ва тетик сезасиз. Хотиржамлик ва ошиб борувчи шахсий самарадорликни бошдан кечирасиз.

Асрлар оша ўрганиб ва гапириб келинадиган бу “оқим” вазиятида сиз тийраклик, яратувчанлик ва маҳорат билан ишлаётган бўласиз. Зийракроқ ва сезгирироқ бўлиб борасиз. Сизнинг идрок этиш ва интуиция қобилиятингиз фавқулодда пухта ишлайди. Атрофингиздаги одамлар ва ходисалар

ўзаро узвий боғлиқлигини кўрасиз. Тезроқ одимлашингизга имкон берадиган ажойиб ғоялар хаёлингизга келади.

Ўзингизни самарадор ишлашга қизиқтиринг

“Оқим” вазиятини қўзғаш усулларидан бири “долзарблик ҳисси”ни шакллантиришdir. Бу ишни дарҳол бошлаш уни тез якунлашга бўлган хоҳиш, ички туртқидир. Ушбу ички туртқи ишни бошлашга ва давом эттиришга руҳлантирадиган сабрсизликдир. Долзарблик ҳисси сизни ўзингиз билан ўзингиз мусобақа қилишингизга қизиқтиради.

Долзарблик ҳисси ёрдамида сиз амалий ҳаракатга бирламчи аҳамият бера бошлайсиз. Бажармокчи бўлган ишингиз хақида қуруқ гап сотгандан кўра ҳаракат қилишни афзал кўрасиз. Сиз дикқатингизни дарҳол ташланажак маълум қадамларга қаратасиз. Ўзингиз истаган натижа ва мақсадларга эришиш учун эътиборингизни ўша лаҳзада қила оладиган ишларингизга қаратасиз.

Тезкорлик барча йирик муваффақиятларнинг узвий қисмидир. Тезкорликни ривожлантириш ҳаракатни бошлаш ва уни барқарор давом эттиришни тақозо қилади. Қанчалик юқори суръатда ҳаракат қилсангиз, шунчалик ғайратли бўласиз. Сиз “худуд”га кириб борасиз.

Тезланиш ҳиссини яратинг

Энг муҳим мақсадларингизга эришиш учун давомий ҳаракат қилганингизда муваффақиятнинг “Тезланиш тамоили”га эргашасиз. Бу тамоилга кўра, дангасаликни енгиш ва ишни бошлаш учун ғоятда катта қувват керак бўлишига қарамай, ишни давом эттириш учун анча камроқ энергия сарфланади.

Кувонарли жиҳати шундаки, қанча тез ҳаракат қилсангиз, шунча кўп энергия оласиз. Қанча юқори суръатда ишлансангиз, шунча кўпроғига улгурасиз ва самарани кучлироқ ҳис қиласиз. Қанча тезкорроқ бўлсангиз, шунча тажрибангиз бойийди, кўпроқ ўрганасиз. Ва ниҳоят, қанча тезроқ ҳаракат қилсангиз, иш жойингизда шунчалик малакали ва қобилиятлироқ бўласиз.

Долзарблик ҳисси сизни беихтиёр тез ҳаракатланиш

йўлагига ўтказади. Сиз қанчалик тезроқ ишласангиз ва кўпроқ ишни якунласангиз, ўз-ўзингизни баҳолаш, ўзингизга ҳурмат ва шахсий ғурур ҳам шунча юкорироқ бўлади. Сиз ўз ҳаётингиз ва фаолиятингизни тўлиқ назоратга оласиз.

Буни ҳозироқ бажарнинг

Ишни бошлишнинг энг оддий ва айни дамда энг самарали йўлларидан бири ўзингизга қайта ва қайта шундай уқтиришдир: “Буни ҳозироқ бажар! Буни ҳозироқ бажар! Буни ҳозироқ бажар!”

Агар сиз ҳаракатларингиз сустлашаётгани ёки ортиқча гаплашиш ва бехуда юмушлар билан чалғиётгандек бўлсангиз, ўзингизга бот-бот: Ишга қайт! Ишга қайт! Ишга қайт! деб такрорланг.

Алалоқибат, муҳим ишни тез ва соз бажарувчи киши сифатида обрў қозонишдан бўлак ҳеч нарса сизга ёрдам бера олмайди. Бу обрў сизни ўз соҳангизнинг энг қимматли ва ҳурматли кишилардан бирига айлантиради.



Курбақани паққос туширинг !

1. Бугундан бошлаб бажараётган ҳар бир юмушингизда долзарблик ҳиссини ривожлантиринг. Нуқул ортга сурадиган бир ишингизни танланг ва ўша ишни тез бажаришга ўзингизни одатлантиринг.

2. Қачонки имконият ёки муаммони сезсангиз, дарров чора кўринг. Сизга бирор юмуш ёки масъулият юкланса, уни тезлик билан амалга оширинг ва кечиктирмай ҳисоботини топширинг. Ҳаётингизнинг ҳар бир муҳим жабҳасида тезкорликни йўқотманг. Шунда ўз ишингиздан кониқиши оласиз ва қанчалик кўпроқ ишларни амалга ошира олганингизни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

21-БОБ
Ҳар бир топшириққа
алоҳида эътибор билан қаранг!

Айни шу ерда ҳақиқий қувват сири яширинган. Мунтазам шугулланиш ёрдамида ўз ресурсларингга эгалик қилишини, улардан исталган вазиятда, керак пайтда фойдаланишини ўрганинг.

Жеймс Аллен

Курбақани пақкос туширинг! Режалаш, муҳимни но-муҳимдан фарқлай олиш ва ташкиллаштиришнинг шу оддий тушунчага бориб тақалади.

Энг муҳим юмушингизни танлаш, уни бошлиш ва якунламагунингизча тинчимаслик шахсий самарадорликка эришиш қалитидир.

Инсониятнинг ҳар бир буюк муваффақияти ортида мешин ирода, оғир меҳнат ётади.

Йўлга тушдингизми, юришдан тўхтаманг!

Ҳар қандай вазифа унга киришгач ишни чалғимасдан тўқис яқунламагунингизча тўхтатмасликни талаб этади. Ишдан тўхтаб қолсангиз ёки бошқа ишга андармон бўлганингизда “Ишингга қайт!” деб қайта-қайта такрорлаб ўзингизни тергаб туринг.

Энг муҳим юмушингизга бор эътиборни қаратиш орқали сиз ўша юмушни якунлаш учун талаб қилинадиган вақтни 50 фойзгacha ёки ундан ҳам ортиқ қисмини тежаб қолишингиз мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, ишни бошлиш, кейин уни тўхтатиб қўйиш, яна қайта бошлаб, сўнг ташлаб қўйиш шу ишга кетадиган вақтни беш мартағача узайтириб юбориши мумкин экан.

Ҳар сафар ишни чала қолган жойидан бошлаганингизда иш билан қайта танишишингиз ва бундан кейин нима қилишингиз кераклигини қайта эсга олишингизга тўғри келади. Инерцияни енгишингиз ва давом этишга ўзингизни чоғлашингиз, яна аввалги суръатга эришиб, самарадор ишлаш ритмига ўтишингиз керак бўлади.

Аммо яхши тайёргарлик кўриб иш тугағунича уни тўхтатмайдиган ёки чалғимайдиган бўлиб бошласангиз, энергия, иштиёқ ва мотивацияни ривожлантирасиз. Янада яхшироқ ва янада самаралироқ бўлиб борасиз. Ишингиз яна хам унумлироқ бўлади.

Вақтни бехуда совурманг

Модомики, бирламчи юмушингизни битирмоқчи экансиз, бошқа ишга қўй урсангиз, сиз вақтни исроф қилаётган бўласиз. Сизнинг режангизга асослансанак, колган исталган фаолият сизнинг ҳозир қилишингиз зарур бўлган ишчалик аҳамиятга эга эмас.

Бир вазифа устида ўзингизни қанчалик муттасил ишлашга ўргатсангиз, самарадорлик кўрсатгичи юкори ўсаверади, яъни ишнинг сифати ортиб, сарфланадиган вакт кисқаради.

Бироқ ишни чала колдирганингизда ана шу маромни бузасиз. Иши яна бошидан – унинг энг қийин жойидан бошлashingизга тўғри келади.

Энг муҳими – ўз-ўзини тарбиялаш

Элберт Хаббард ўз-ўзини тарбиялаш тушунчасини шундай таърифлайди: “Амалга оширишингиз зарур бўлган вазифани қилишга, хоҳлайсизми-йўқми, ўзингизни ундашдир.”

Алалоқибат, хар қандай соҳадаги муваффақият кучли интизомни талаб қиласиди. Ўз-ўзини тарбиялаш, ўзига эга чикиш, ўз-ўзини назорат қилиш – булар характер ва юкори самарадорликнинг тамал тоши.

Мухим ишни бошлаб, уни тўла якунламагунча сабр килиш сизнинг характерингиз, ирода кучингиз ва катъиятингизни чинакамига синайди.

Саботлилик хатти-харакатларда ўз-ўзини интизомга солишдир. Яхши янгилик шуки, вазифани охирига етказишда қанчалик ўзингизни саботлиликка ўргатсангиз, шунчалик ўзингизни хурмат қила бошлайсиз ва ўзингизга нисбатан баҳойингиз хам шунчалик юкори бўлади.


Ўзингизни қанчалик севсангиз ва хурмат килсангиз, ўзингизни саботлиликка ўргатишингиз шунчалик осон бўлиб боради.

Энг мухим юмушга токи у тўлиқ якунлангунича бор эътиборни каратиш орқали сиз аслида шахсий характерингизни шакллантирасиз. Шахс сифатида мукаммаллашиб борасиз. Ўзингизни кучлироқ, ракобатбардошроқ, ўзига ишонганроқ ва баҳтироқ хис этасиз. Янада кувватга тўлиб, ўзингизни ишчанроқ сезасиз.

Олдингизга қўйилган ҳар қандай максадга эришишга қодирдек туйиласиз. Ўз тақдирингизнинг эгасига айланасиз. Шахсий самарадорлигингиз ривожланиб шундай нуқтага чиқадики, келажагингиз мутлақ кафолатланган бўлади.

Буларнинг барчаси дарвозасини очадиган қалит эса ҳар вақт бажаришга имконингиз етадиган энг қийматли ва энг мухим ишни аниқлаш ва “Курбақани паққос тушириш”дир.

Курбақани паққос туширинг !



1. Ишга киришинг! Бугуноқ якунлашингиз мумкин бўлган вазифа ёки лойиҳани белгиланг ва уни дарров бошлиниг.

2. Энг мухим юмушингизни бошлиган экансиз, энди уни 100 фоиз якунламагунча чалғимасдан охиригача давом эттиришга ўзингизни ўргатинг. Буни қарор қабул қила оладиган ва уни бажара оладиган инсон эканлигингизни текширувчи синов деб қабул қилинг. Ишга киришдингизми, уни якунламагунча тўхтатманг.

ХУЛОСА

Барчасини умумлаштирамиз

Ҳар куни иш бошлаётганингизда қурбакаларингизни ейишни одат қилиш шодлик, қониқиши, муваффакият, ўз кучига ишонч ва самараדורлик калитидир.

Яхшиямки, бу такрорлаш орқали ўзлаштиrsa бўладиган маҳоратдир. Ишни энг муҳимидан бошлашни одат қилсангиз, муваффакиятингиз кафолатланади.

Қўйида сусткашликни бартараф қилиш ва тезроқ ишлаб, кўпроғига улгуришнинг 21 усулини мухтасар баён қиласман. Сизнинг онгингиз ва ҳаракатларингизга сингиб кетмагунича бу қоидаларни доим ёдда тутинг ва сизнинг келажагингиз кафолатланади.

1. Ўз кун тартибингизни тузинг. Айнан нимани хоҳлашингизни аниқлаб олинг. Аниқлик – муҳим нарса. Иш бошлашдан аввал ўз мақсад ва ниятларингизни ёзиб чиқинг.

2. Кунни олдиндан режаланг. Фикрларингизни қоғозга туширинг. Ишни режалашга сарфлаган ҳар бир дақиқангиз уни амалга оширишга кетадиган 5-10 дақиқангизни тежаб қолади.

3. Ҳамма нарсага нисбатан 80/20 қоидасини қўлланг. 80 фоиз самара 20 фоиз ҳаракатга боғлиқ. Бор дикқатингизни доим ана шу 20 фоизга йўналтиринг.

4. Натижалар ҳақида ўйланг. Ҳаётингиз ёки ишингизда энг жиддий ижобий ёки салбий натижа бериши мумкин бўлган ишлар сизнинг энг муҳим вазифаларингиз ва приоритетларингиздир. Аввало, шуларга эътиборли бўлинг.

5. Ижодий ортга суришни машқ қилинг. Бир вақтда барча ишни қила олмаганингиз, муҳим бўлган бир неча ишларингизни қилишгагина вақtingиз етгани учун муҳим бўлмаган юмушларни онгли равишда кечиктириб туришга ўрганинг.

6. Доимо “АБСДЕ” методидан фойдаланинг. Ишни бошлашдан бурун вазифалар рўйхати устида ишланг, ўзингиз учун энг муҳим бўлган юмушни бажараётганингизга ишонч

хосил қилиш учун уларни қимматлилиги ва устуворлик дара-жасига караб тартиблаб чиқинг.

7. Эътиборни натижа берадиган соҳаларга йўналти-ринг. Ўз вазифангизни уддалай олиш учун эришишингиз зарур бўлган натижаларни аниқлаб олинг ва кунни ўша на-тижага эга бўлиш учун сарфланг.

8. Учлик қоидаси. Ишингиз мобайнида қиласиган, сиз-нинг ҳиссангизнинг 90 фоизи боғлиқ бўлган уч вазифани аниқлаб олинг ва бор диққатни ана шу ишларга каратинг. Шундан сўнг сизда оиласигиз ва шахсий ҳаётингиз учун кўпроқ вақт бўлади.

9. Бошлишдан аввал жиддий тайёрланинг. Иш бошлишдан аввал керакли барча ашёлар шай бўлсин. Ишни бошлиб, уни давом эттира олишингиз учун зарур бўладиган барча қофозлар, анжомлар, иш материаллари ва ракамларни жамланг.

10. Бир вақтда бир бочка. Энг оғир ва энг мураккаб бўлган юмушни ҳам қадамма-қадам якунлаш мумкин.

11. Асосий кўникумаларингизни ривожлантиринг. Асосий вазифаларингиз бўйича қанчалик билимли ва малакали бўлсангиз, уларни шунчалик тез бошлиб, тез якунлай-сиз.

12. Махсус иқтидорингизни ишга солинг. Ўзингиз ба-жаришга уста бўлган ёки эплашга кўзингиз етган ишларни аниқлаб олинг ва ана шу ишларни аъло даражада бажаришга бутун юрак қўрингизни бахшида этинг.

13. Кўзга кўринган заиф жиҳатларингизни аниқланг. Энг муҳим мақсадларга қанчалик тез эришишингизни белгилаб берувчи ҳам ички, ҳам ташки заиф жиҳатларингизни билиб, уларни бартараф этишни бошланг.

14. Ўзингизни мажбурланг. Шаҳардан бир ойга кетишингиз керакдек тасаввур қилинг ва кетишдан олдин асосий ишларингизни тугаллашга мажбурдек ишланг.

15. Қувватингизни имкон қадар оширинг. Кунлик ак-лий ва жисмоний энергиянгиз энг юқори даражага етадиган

паллани аникланг ва энг мухим ва мураккаб вазифаларингизни ўша вактларга мўлжалланг. Бор кучингиз билан ишлай олишингиз учун кўпроқ дам олинг.

16. Ўзингизни ҳаракат қилишга қизиқтириинг. Ўзингизнинг мотиваторингизга айланинг. Ҳар бир вазиятда имконият кўринг. Муаммога эмас, ечимга эътибор қаратинг. Доим оптимист ва ижодкор бўлинг.

17. Вакт ўғирловчи техникадан холос бўлинг. Техникадан коммуникация учун фойдаланинг, бироқ ўзингизни унга қул қилиб қўйманг. Вакти-вакти билан гаджетларни ўчириб, уларни ташлаб қўйишга ҳам ўрганинг.

18. Вазифани қисмларга ажратиб олинг. Оғир ва мураккаб вазифаларни бўлакларга ажратиб олинг ва бошланишига “чайнашга қулай” кичик бўлагидан бошланг.

19. Катта вакт бўлакларини ҳосил қилинг. Кунингизни энг мухим вазифаларингизни бажаришингиз мумкин бўлган вакт бўлаклари асосида режаланг.

20. Долзарблик ҳиссини ривожлантиринг. Асосий юмушларингизни тез бажаришга одатланинг. Ишларни тез ва аъло даражада уддалайдиган шахс бўлиб танилинг.

21. Ҳар бир топшириқقا алоҳида эътибор билан ёндашинг. Конкрет приоритетларни белгиланг, энг мухим юмушингизни зудлик билан бошланг ва иш тўлиқ битгунча тўхтаманг. Бу юксак маҳсулдорлик ва шахсий самарадорликнинг чин калитидир.

Ана шу тамойиллар сизнинг иккинчи табиатингизга айланмагунича уларни мақсадли бажаришга қарор қилинг. Ўз-ўзини бошқаришнинг ушбу қоидалари шахсиятингизнинг ажralмас қисмига айланса, сизнинг келажакдаги муваффакиятингиз чексиз бўлади.

Шунчаки бажаринг! Қурбақани паққос туширинг!

МУНДАРИЖА

Кириш.....	7
1-БОБ. Иш тартибингизни тузинг	12
2-БОБ. Ҳар кунни аввалдан режаланг.....	16
3-БОБ. 80/20 қоидасини қўлланг.....	20
4-БОБ. Оқибатларни ҳисобга олинг	23
5-БОБ. Ижодий кечикитиши машқ қилинг.....	29
6-БОБ. Доимо ”АБСДЕ” методидан фойдаланинг	32
7-БОБ. Натижанинг асосий соҳаларига эътибор қаратинг	35
8-БОБ. Учлик қоидаси	39
9-БОБ. Бошлишдан аввал жиддий тайёрланинг.....	45
10-БОБ. Бир вақтда бир бочка	48
11-БОБ. Мавжуд маҳоратингизни оширинг	50
12-БОБ. Махсус иктидорингизни ишга солинг	53
13-БОБ. Олдингиздаги тўсиқларни аникланг	56
14-БОБ. Масъулиятни ўз зиммангизга олинг.....	60
15-БОБ. Ички қувватингизни имкон қадар оширинг.....	63
16-БОБ. Ўзингизни харакат килишга қизиктиринг	67
17-БОБ. Вақт кемирувчи технологиядан халос бўлинг!	70
18-БОБ. Вазифаларни қисмларга ажратиб олинг.....	76
19-БОБ. Катта вақт бўлакларини ҳосил қилинг.....	79
20-БОБ. Долзарблик ҳиссини ривожлантиринг	82
21-БОБ. Ҳар бир топшириққа алоҳида эътибор билин қаранг!	85
ХУЛОСА	88

УЎК 159.923.2

КБК 88.52

Т-76

Трейси, Брайан.

Самарадорликнинг 21 йўли [Матн]: Б. Трейси; таржимон Ҳ. Толибжонов, С. Мажидова, Ш. Алиқўзиев Ж. Тўлқинов. – Тошкент: NIHOL, 2021. – 92 б.

ISBN 978-9943-23-162-7

УЎК 159.923.2

КБК 88.52

Брайан Трейси

САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙЎЛИ

Таржимонлар: Ҳ. Толибжонов

С. Мажидова

Ш. Алиқўзиев

Ж. Тўлқинов

Бош мухаррир: М.А.Нурмуҳамедова

Мухаррир: Ҳ. Йўлдошев

Мусаҳҳих: Г. Қодирова

Дизайнер ва саҳифаловчи: О.Нурмуҳамедов

Техник мухаррир: Б.Нурмуҳамедов

Ушбу китобнинг муаллифлик хуқуки “Asaxiy Books”
лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy Books” руҳсатисиз
китобни электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай
шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига
биноан тақиқланади.

Тасдикнома №5295, санаси: 23.01.2021

Босишига 11.06.2021 йилда руҳсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Офсет қозози. Офсет босма.

Times New Roman гарнитураси. Кегль 11.

Шартли босма табоби 4.83. Босма табоби 2.825.

Адади 5000 нусха. Буюртма №Д84-2.

«Offset print» МЧЖ босмахонасида босилди.

Босмахона ва нашриёт манзили:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани,

Ўнқўрғон кўчаси, 4-уй.

